

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

АЙ-ТИ, ОЛИМ БУВА ВА БОШҚАЛАР



Атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртактлар” киссасида шундай лавҳа бор: “Бир куни дадам шайтон аравасини миниб Қўқонга кетган эди, кечкурун қайтишда Олим буванинг опаси – саксонлардан ошиб қолган кампирга йўлиқибди. Дадам кўнгирак чалмай унинг ёнидан шув этиб ўтиб кетибди. Унинг шабадасидан сесканиб кетган кампир бошини кўтариб қараса, олдинда одамга ўхшаган бир махлуқ оёғи ерга тегиб-тегмасдан учиб кетаётганмиш. Кампир шайтонлаб ўзини ташлаб юборибди. Одам йиғилибди. Кампирни уйига замбилда олиб кетишибди. Дадам кўрканидан кўчага чиқмай, дўқонга ҳам бормаи кўйди. Уч кун деганда кампир ўлиб қолди”.



ҳамда “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари бу йўналишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Ахборотлаштириш ва илғор технологияларни турли соҳаларга татбиқ этиш натижасида юртимизда сунъий интеллект соҳасида ўзига хос салоҳият асослари яратила бошланди. Инновацион ривожланиш вазирлиги ва вазирлик тизимидаги ташкилотлар, АКТ бўйича илмий тадқиқот марказлари, олий таълим муассасалари ва уларнинг иқтидорли битирувчилари ҳамда технопарклар, хусусий сектордаги бир қатор ташкилотлар фаолияти шулар жумласидандир. Сунъий интеллект ва замонавий ахборот технологиялари йўналишидаги ақли шаҳар, хавфсиз шаҳар, ақли мактаб каби лойиҳалар амалга оширила бошланди. Экин майдонларининг ҳолатини баҳоловчи онлайн платформалар жорий этилмоқда.

– Мамлакатимизда бугунги кунда илм-фанга, замонавий технологияларга берилаётган эътибор барча соҳалар ривожланишига жиддий таъсир кўрсатмоқда, – дейди Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Бечзод Йўлдошев. – Лалми ерлардан неча центр бугдой олинишини биласизми?

(Давоми 3-саҳифада) ➤

Бу ўтган аср бошларида, юз йилнинг нари-берисидидаги гаплар. Ҳеч нарсани қўшиб-чатмай, бўямай-бежамай ёзишни ижод таомилига айланган Абдулла Қаҳҳорнинг тарихий хизмати ҳам шунда – халқ ҳаётига кўзгу тута олганида. Ҳақиқий Ижодкорнинг давр тақозосига кўра қарашлари узғариб турадиган сохта тарихчидан фарқи ҳам шунда – Ҳаётга кўзгу тутиб, уни ҳаққоний ақс эттириш орқали халқ тарихининг ўзгармас манзарасини кўрсатиб бера олганида. Олим бува яна нима дейди дегн? “Шу шайтонарава келганидан буён Яйпандан фазл кетди”. Буни инкор этиб бўлмайди.

Ўтган асрнинг ўрталарида ҳам трактор шудгорлаган ерда унган помидор ё картошка кофирнинг емиши экани ҳақида Олим бувалар бемалол фатво бериб юборишаверар эди. Зулматга куниканлар ёруғлиқдан нечоғли сесканиши тиббиёт исботлаган ҳодисанинг ўзигина эмас.

Қуръони Каримнинг “Асҳобул қаҳф” сурасидида зolim зулмидан қочиб бориб форта беркинган биродарлар сингари улар мангу уйқудан уйғониб, теварак-атрофга боқиб қандай манзарани кўрадилар? Яқинида катта идоралару мансабдор шахсларнинг уйларидагина буладиган телефон мўъжаз шаклда Олим бувага қариндош подачи хуржунининг бир четида жи-

ринглаб қолса, у Россиянинг қайсидир четиди ишлаб юрган ўғли билан бемалол гаплашиш имконига қандай қилиб эга бўлганини ўйлаб ҳам ўтирмай, Яйпандан фазл кетганидан, ўтин-чўп камбўлигидан, мол-ҳўлларга хашак етмаётганидан ёзғириб арзи ҳол қилади. Муддао ҳам аён – ўғил куча суғуриб бўлса ҳам, унга пул юбориб туриши керак. У ўғлини ёшлиғидан китобга ошно қилиб яхши ўқитмаганидан, замонавий технологияларга ошно қилмаганидан, сунъий интеллект имкониятлари орқали “фазли кетган” Яйпанда ўтириб ҳам пул топиш имкониятини қўлдан чиқаруиларидагина буладиган телефон мўъжаз шаклда Олим бувага қариндош подачи хуржунининг бир четида жи-

БУГУННИНГ ГАПИ

ИНСОН ҚАЛБИ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ СИЗ...

Турқшунослик илмининг асосчиси Маҳмуд Кошғарий жаҳон адабиётининг мангу обидаси “Девону луғотит турк” (“Туркий сўзлар луғати”) асарини 1072 йилда ёзиб битирган, яъни бугунги тил билан айтганда, она тилимизнинг биринчи академик луғати бундан салкам минг йил аввал яратилган. Бундай луғатлар бошқа халқларда, жумладан, русларда В.Далининг машҳур изоҳли луғати 1819 йилда ёзилган ва 1863-1866 йилларда нашр қилинган. Биринчи инглиз тили луғати эса 1552 йилда Ричард Халост томонидан тузилган. Агар ҳисоб қилсангиз туркий сўзлар луғати рус ва инглиз тилидаги луғатлардан беш-етти аср аввал яратилганига тарихнинг ўзи гувоҳ...

Оксфорд университети профессори Жон Гривс 1643 йилдан бошлаб “Зижи жадиди Кўрагоний” асарини илмий тадқиқ қила бошлайди ва Улуғбекнинг юлдузлар каталогидан олинган 98 та юлдуз ҳолатини 1648 йили эълон қилади. Кейинчалик эса, у Мирзо Улуғбекнинг тўрт қисмдан иборат “Зижи”нинг биринчи китобини лотин тилига таржима қилиб нашр этади.

Тарихда бу сингари мисолларни истаганча топиш, қийинлаш мумкин. Юртимиз замида таваллуд топиб, дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган боболаримизнинг илмий-маданий мерослари, шубҳасиз, халқимиз тарихидаги ёрқин саҳифалардир.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

Халқимизда “Шамол бўлмаса теракнинг учи қимирламайди”, деган гап бор. Ҳар иссиқ, ҳар совуқнинг ҳам ўзига яраша сабаби бўлади. Кейинги пайтларда тарих ахлатхонасидан жой олиб бўлган совет империясини қайта тиклаш, бугун халқаро майдонда катта нуфуз ва ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиб, дунёга ўз сўзини айта бошлаган, маданий-маънавий жабҳада кўпларга намуна бўлаётган миллий республикаларни орқага қайтариш, машъум иттифоқни тиклаш мақсадида турли ошқор-пинҳона баёнотлар берилмоқда.

ШАМОЛ ҚАЕРДАН ЭСАЯПТИ?

Бундай масъулиятсиз чиқишларни ўтмиш тарихдан бутунлай беҳабар, саводсиз, ўқиш-ёзишни билмайдиган одамлар эмас, давлатнинг расмий ташқи сиёсатини белгилаш ишига ҳисса қўшиш даражасидаги масъуллар айтаётгани ва бунга ўз жойида жиддий, таъсирчан муносабат билдирилмаётгани гоят таассуфли. “Бу – бизнинг расмий сиёсатимиз эмас, шунчаки бир-икки кишининг шахсий фикри” дейиш ва шу билан қаноатланиш маълум мақсад йўлида урчитилаётган хавфли иллатнинг илдизига сув куйишдан бошқа ҳеч нарса эмас.

“Уйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир”, деган гап бор. Гапириш керак бўлса, фақат

(Давоми 2-саҳифада) ➤

БУ СПЕКТАКЛИ КЎРДИНГИЗМИ?

“ТУРКИСТОН БОЛАЛАРИ”

Жадидлик ҳаракати, ўша давр воқеалари ҳақида саҳна асарлари деярли ёзилмаганини назарда тутсақ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, истеъдодли ижодкор Гўзалой Матёқубованинг ушбу мавзуга қўл ургани эътиборга лойиқ. Муаллиф “Туркистон болалари” номли саҳна асарини Жавлон Жовлиевнинг “Қўқма” романи ҳамда Баҳром Ирзаевнинг “Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим” китобидан фойдаланган ҳолда яратган.

Пьесада Туркистонни озод, мустақил кўришни орзу қилган, шу йўлда курашган, жадид боболаримиз кўмағида Германияда ўқиб қайтган талабаларнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Ёшлари, танлаган касблари турлича бўлган бу талабаларни битта мақсад – Туркистонни юксалтириш мақсади бирлаштирган. Бу мақсад йўлида улар бор куч-ғайратларини сарфлайдилар, ҳатто жонларини фидо этадилар. Афсуски, уларнинг орзу-интилишлари, меҳнатлари увол кетади. Юртга қайтиб, эзгулик йўлида иш бошлаган ёшларнинг бошига жадидларнинг куни тушади, совет ҳукуматининг қонли сиёсати уларни ўз домига тортади.

Яқинда Ўзбекистон драма театрида Г.Матёқубованинг “Туркистон болалари” номли икки пардали драмасини ёш режиссёр Расулжон Тоғайқуллов устоз санъаткор Олимжон Салимов бадий раҳбарлигида саҳналаштирган спектакль премьераси бўлиб ўтди. Саҳналаштирувчи расом Сергей Чуфарнов, либослар расоми Райҳон Йўлдошева.

Юртимизнинг таниқли фан ва санъат намояндлари ҳамда ёш ижодкорларнинг мазкур спектакль ҳақидаги таассуротлари билан танишасиз.

(Давоми 4-саҳифада) ➤

ЗАМОНА ЖАДИДЛАРИ

ДУНЁНИНГ ЭНГ УЛУҒ ИМОРАТИНИ ҚУРАЁТГАН ИНСОНЛАР

ТАҲРИРИЯТДАН: Фарзандларимиз келажagini ўйлаган маърифатпарвар замондошларимиз бор экан, демак, халқимиз маънавияти юксалиб боравереди. Президентимизнинг 2023 йил “1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни” муносабати билан устозларга йўлаган табриғида шундай сатрлар бор: “Бугунги кунда мамлакатимизда мактаб таълимини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланиб бормоқда. Хусусан, навоийлик Абдукарим Саксонов, самарқандлик Қўёш Ҳақбердиев, Илҳом Рустамов, бухоролик Ойбек Намозов, қашқадарёлик Нурбек Эргашев каби ўнлаб тадбиркорларимиз ўз ҳудудларида янги мактаблар қургани, таълим даргоҳларини капитал реконструкция қилиб, замонавий асосда жиҳозлаб бергани, оҳангаронлик оқсоқол шоиримиз Барот ота Исроилов эса ҳовлисида кутубхона очиб, уни ўз ҳисобидан 10 мингта китоб билан таъминлаб, бу маърифат масканини қишлоқ ўқувчиларига совға қилгани ҳар қанча таҳсинга сазовор”.

Газетамизнинг мазкур сонида давлатимиз раҳбари табриғида таъкидлаб ўтилган навоийлик тадбиркор Абдукарим Саксонов ҳақида ҳикоя қиламиз.

Туркистон жадидларининг фозил намояндаси Абдулла Авлонийнинг “Мактаб – дунё иморатлари ичида энг улугғидир”, деган сўзларида чуқур маъно бор.

Орамизда шундай инсонлар борки, улар ўз дарди, ташвишидан ортиб, дунёнинг энг улуг иморатини қурмоқдалар.

Ҳа, шундай замонадошларимиз борки, улар ўз фаолиятлари давомида бор билими ва тажрибасини юрт, халқ фаровонлиги учун сафарбар этади.

Албатта, инсон ҳаётда меҳнати, олиб бораётган хайрли ва эзгу ишлари билан кадр топади.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

АМИРНИНГ АҲВОЛИ ТАНГ ЭДИ

Роппа-роса 30 йил муқаддам “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Амир нега Бехбудга қўл бермади?” сарлавҳали бадиия босилди. Ҳаётда зуққо ва нозиктаб кузатишлар маҳсули бўлмиш мазкур бадиия муаллифи, атоқли устоз адиб Иброҳим Гафуров 1917 йил 7 апрел куни Бухородаги “Раҳимхоний” меҳмонхонасида юз берган тарихий воқеа ҳақида гоёйда синчковлик ила сўз юритадилар.

Воқеанинг мухтасар тафсилоти тубандагича: айни баҳор кезлари усули қадим ва усули жадид тарафдорлари ўртасида зиддият таҳликали тус олади. Бунга йўл қўймаслик мақсадида Бухорода амир номидан ислохотлар манифести эълон қилиниши ҳақидаги хабар аҳоли орасида кенг тарқалади. Ушбу воқеа муносабати билан, хусусан, тўс-тўполон газак олиб тарқаб кетишига йўл қўймаслик ҳавотирида генерал Куропаткин Самарқанд волийсига расман мурожаат йўллаб, у ердан вакиллар юборилишини сўрайди.

(Давоми 8-саҳифада) ➤



ПАРЛАМЕНТ

ЗИЁЛИЛАР
МАСЪУЛИЯТИ

2023 йил 22 декабрь куни Президентимиз раислигида ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида илгари сурилган ташаббуслар, соҳа ривожига қаратилган аниқ режалар маънавий-маърифий ишларни сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтарди. Маданият, маънавият йўналишидаги ишлар ҳар бир соҳа вакилига дахлдор.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташаббуси билан “Янги Ўзбекистон тараққиётининг маънавий-маърифий ислохотларида зиёлиларнинг ўрни” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

— Мамлакатимизда миллий маданиятни янада ривожлантириш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодиёти ва хаваскорлик санъатини янада оммалаштириш, юртимизнинг жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди депутат Ойдин Абдуллаева. — Хусусан, “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, унда маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Ўтган даврда миллий аъёнларимизни асраб-авайлаш ва бойитиш мақсадида Мақом, Бахшичилик ва Аския санъати марказлари ташкил этилгани, “Баҳор” ракс ансамбли, Давлат филармонияси, Давлат симфоник оркестри каби 20 дан ортиқ муассасалар фаолияти йўлга қўйилгани эътиборга молик.

Депутатлар соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритиб, Президент раислигидаги йиғилишда илгари сурилган ташаббусларга тўхталди. Шунингдек, ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, навқирон авлод вакилларининг юртимиздаги ислохотлар жараёнидаги иштирокини ошириш ҳақида ҳам сўз юритилди.

Маънавий-маърифий тадбирда “Жадид” газетасининг тақдироти бўлиб ўтди. Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан чоп этилган “Жадид” газетаси Ватан ва халқ манфаатлари йўлида жон фидо қилган миллият оидинлари — жадид боболаримиз ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб этишда ўзига хос тафаккур майдони бўлиб хизмат қилади.

— Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак bosқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарурлиги ҳақидаги сўзлари шунчаки тарихий маълумот эмас, балки ҳар биримиз учун жиддий чақириқ эканини теран англашимиз шарт. “Жадид” газетаси ана шундай жасоратли зиёлилар учун асосий минбарга айланишига бел боғлаганимиз ва бу борада барча жонқуяр, фидойи юрдошларимизни ижодий ҳамкорликка chorлаймиз, — деди “Жадид” газетаси бош муҳаррири Иқбол Мирзаалиев.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурабийи, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиб Мунаввара Абдуллаева сўз олиб, бугунги кунда бутун дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнида мамлакатимизда миллий маданиятни янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар, зиёлиларнинг халқимиз олдидаги вазифалари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Муҳтарам КОМИЛОВА,
ЎЗА

ДУНЁНИНГ ЭНГ УЛУФ ИМОРАТИНИ ҚУРАЁТГАН ИНСОНЛАР

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ана шундай инсонлардан бири Абдукарим Саксоновдир.

Кўп йиллардан бунён қурувчилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларда фаолият юритиб келаётган тадбиркорнинг меҳнати алоҳида эътироф этилди.

Абдукарим Саксоновни нафақат туманда, балки юртимизнинг барча ҳудудларида ҳам яхши билишади. У нафақат камтарин, очикқўнғил инсон, балки саховатпеша тадбиркор ҳам. Аини пайтда “Саксонов” МЧЖ номли катта компанияни бошқаради. Компанияда бугун уч минг нафарга яқин фуқаро турли йўналишларда меҳнат қилиб келмоқда.

1975 йил 7 апрелда Навбахор туманининг Ортиқ Фармонов маҳалласида таваллуд топган Абдукарим Саксонов 1996 йилдан хусусий тадбиркор сифатида танила бошлади. Дастлаб ўқув қуроллари савдоси билан шуғулланган тадбиркор 2011 йилда “Саксонов” масъулияти чекланган жамиятига асос солди.

— Тинимсиз ҳаракат ва олдинга интилиш муваффақиятлар гаровидир, — дейди Абдукарим ака. — Бугун юртимизда Президентимиз ташаббуслари ва қўллаб-қувватлашлари туфайли тадбиркорларга кенг имкониятлар берилди. Уларнинг эркин



Абдукарим САКСОНОВ,
тадбиркор

фаолият юритиши, иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиши учун барча шароитлар яратилган. Бундан фойдаланиб, бизнес соҳаси вакиллари ҳалоллик йўлини тўтиб, ҳам ўз корхонаси иқтисодиёти, ҳам юрт тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшиши керак. Битта иш ўрни яратиш ҳам аслида фидойилиқдир.

Бугун Навойи шаҳрини улкан қурилишлар ва бунёдкорликлар майдонига киёслаш мумкин. Ўтган давр мобайнида тадбиркор томонидан ўзига хос ландшафт ва дизайн қурилган кўп қаватли турар жой бинолари, ириқ савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. Жорий ўқув йилида минг нафарга яқин ўқувчини ўз бағрига олган таълим муассасаси ҳам ана шундай бунёдкорлик ишларидан биридир.

ИНСОН ҚАЛБИ БИЛАН
ҲАЗИЛЛАШМАНГ СИЗ...

(Бошланиши 1-саҳифада)

Империяпараст “тарихчи”нинг “НТВ” телеканалдаги чиқишида айтган гапларидан, биринчи навбатда, улуг халқларнинг тарихини, инсоният тарихини бузиб талқин қилишга уринаётгани яққол сезилади. Наҳотки, одам шу даражада нодонликка берилса, бутун дунё аҳлига қараб бемалол ёлғон сўзласа?! Балки бу аламли сўзлардир!

Беихтиёр академик шоир Фафур Фуломнинг “Шараф қўлёмаси” шеъри ёдимизга тушади. Бундан 75 йил олдин ёзилган бу шеър инглиз лордининг бизни қабила деб атаганига жавоб тарзида битилган эди. Лорднинг сўзларига қарши шоир ёзади:

Қадим ўзбек халқисан,
Асл одам авлоди.
Миср эҳромларидан
Тарихинг қариқодир.

Маълумки, Одам атодан бошланган тарихимиз қадимий қўлёмаларда битиб қўйилган. Азалдан етти пуштини билиб келган ота-боболаримиз нафақат миллий урф-одатлар, аъёнларимизни бойитган, балки илм-фан бобида ҳам тенгсиз эдилар.

Бизда логарифмнинг
Мушкул муаммолари
Қўлдаги бармоқлардай
Оддий қилинганди хал,
Олий ирқ даъвоғари
Ҳатто санай олмасди
Ўн бармоқни мукамал.

Тушунган ўқувчига шеърнинг ҳар сатрида олам-жаҳон маънолар бор. Алгебранинг асосчиси Абу Абдулла Муҳаммад

ибн Мусо ал-Хоразмий эканини бутун дунё олимлари эътироф этган. Бобомизнинг “Алжабр ва алмуқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб” асари номи билан мураккаб бир фан аталишини ҳам, бу асар бугунги рақамли технологияларнинг пой-девори эканини ҳам, академик шоиримиз ўша зolim советлар замонида баралла айтаётганидаги жасорати ҳам бизни ҳайратга солади.

Шоир ўз халқи билан ғурурланиб давом этади:

Жаҳонлар яратарлик
Тарихий камолнинг бор.
Озод ватан эгаси,
Ўз кўксингда ўз қуёш,
Қуёшдай завол билмас
Ярқироқ жамолнинг бор.

Худди шу тарихингни,
Шу еринг, қуёшингни,
Билиминг, дўстлигингни
... Куллик кишанлариди
Қилмоқ булади маътал.

Устоз шоир энди халқимизнинг қамоллини кўролмайдиган тўхматчиларнинг ёвуз мақсадини зукколик билан ўқувчига аналтади. Яъни бизни “куллик кишанлариди” тўтиб турмоқчи бўлган кимсаларнинг қилмишини фoш этади. Шеър мазмунан янада теранлашиб боради:

Улар не-не пактларга
Оғули муҳр босиб,
Жаҳаннам қопқасини
Ер юзиди очмоқчи...

Дунёдаги ёвуз кучларнинг бундан минг йил аввал ҳам, бундан юз йил аввал ҳам, бугун ҳам қабих мақсадлари маъносиз ўзгармас — бир хилдир, аммо турлича кўринишларда бўлиши мумкин. Улар

бошқа халқларнинг тинч-тотув яшашини, ўзга юртларнинг гуллаб-яшнашини кўролмайдилар. Ўзгалар ҳисобига яшашини, bosқинчиликни, талончиликни кўзлайдилар. Буни тарих исботлайди.

Шоир шеърни яқунлар экан, буюк халқимизга қарата рағбатлантирувчи сўзларини айтади:

Бир зўр ур, гурилласин
Билағонлик ижодинг,
Сенинг билан шоирнинг
Манглайи ярқироқдир.

Академик шоир Фафур Фуломнинг шеърини аъёнларини муносиб давом эттирган устоз Абдулла Ориповнинг ушбу сатрлари ҳам ўз вақтида халқимизнинг келажигига ғаразли ниётда қаровчи кимсаларни огоҳликка қақиради:

Инсон қалби билан
Ҳазиллашманг Сиз,
Унда миллат яшар, унда тил яшар.
Унда аждод фахри яшайди сўзсиз,
Унда истиқомат қилади башар.

Шеърнинг давомини яхши биласиз. Мустақилликка эришган юртимизнинг кундан-кунга гуллаб-яшнаётгани, дунё мамлакатлари орасида тенг ҳуқуқли бўлиб, келажакка дадил одимлаб бораётганидан тинчини йўқотган кимсалар кўп. Улар ўз давлати ва халқининг ташвишларини енгиллатиш чораларини кўргани маъқул эмасми? Наҳотки, улар ўз ҳаётининг мазмунини тўхматчиликда, талончиликда, деб билсалар? Наҳотки, урушсиз, аҳил умргузаронлик қилишни билмасалар? Аввалига жаҳлинг қақиди, кейин эса, уларга ачинасан киши...

ҲУМОЁН АКБАРОВ

— Навойи шаҳрида тадбиркор томонидан 23 миллиард сўмлик ҳоимлик маблаглари ҳисобидан бунёд этилган 990 ўринли янги мактаб жорий ўқув йилида фойдаланишга топширилди, — дейди шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Шалола Ҳамидова. — Беш қаватли таълим муассасасида ўқувчиларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар яратилган. Бинода лифт, ошхона, кутубхона, турли фан лаборатория хоналари, спорт зали, футбол ва баскетбол майдонлари, ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун дам олиш жойлари мавжуд. Мактабга ўқитувчилар алоҳида суҳбат орқали танлаб олинди. Бу ҳам ўқув-

чиларга бугунги кун талаблари асосида таълим-тарбия беришда муҳим аҳамият касб этади.

Қаҳрамонимиз мунтазам равишда хайрли ишларни амалга ошириб келади. Аммо бу ҳақда гапиришни, “кўз-кўз” қилишни хуш кўрмайди, “Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин” нақлини шир қилиб олган тадбиркор “Нима кераги бор, шарт эмас”, дея суҳбатга яқун ясаб қўя қолади.

— Халқ дардини ўз дарди, деб биладиган тадбиркор 2019 йили Халқ депутатлари Навбахор тумани Кенгаши депутатлигига сайланган. Ишонч катта масъулият дегани, — дейди Қонунчилик палатаси депутати ёрдамчиси Рустам Саилхонов. — Саховатпеша депутат Абдукарим Саксонов ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга амалий ёрдам бериб келмоқда.

Айниқса, коронавирус пандемияси даврида “Саховат ва кўмак” жамғармасига катта миқдорда маблаглар ўтказганини навоийликлар яхши билишади. Навбахор туманидаги “Қалқонота” ва Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолисига бир неча марта озик-овқат маҳсулотларини бепул тарқатди. Худуд аҳолисидан компанияда ишлаётган ишчи-ҳодимлар учун махсус автобуслар ажратилган.

Бугун ҳам Абдукарим Саксонов аҳолига сифатли ва замонавий хизмат кўрсатишни мақсад қилиб, янги лойиҳа ва инновациялар устида тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. “Авалло, қилаётган ишингиздан



фуқароларимиз рози бўлиши керак, шунда ҳақиқий халқчил тадбиркор бўлаемиз”, дейди қаҳрамонимиз.

Бир неча йил олдин Абдукарим Саксонов Навойи шаҳрида “Ташаббуслар” сайилгоҳини барпо этган эди. Худуддаги спорт майдончалари, кичик амфитеатр, жозибали фавворалар, сўлим дарактлар, энг муҳими, ўзига хос ландшафт-дизайн нафақат ёшларнинг, балки шаҳар аҳлининг сеvimли масканига айланган.

Мамлакатимизда юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида қилинган меҳнат, илгари сурилган ташаббуслар доимо қадрланган, қўллаб-қувватланган. Саховатпеша тадбиркор Абдукарим Саксоновнинг меҳнатлари ҳам муносиб баҳоланмоқда. У мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан “Шухрат” медали, 2023 йилда эса “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланди.

Абдували БҮРИЕВ
Сирож АСЛОНОВ олган суратлар.

(Бошланиши 1-саҳифада)

Дунё аста-секин кенг қўламли ҳарбий можарога яқинлашиб бораётган, ҳарбий “мушт”ни кўрсатиб дўқ қилиш оддий одат тусига айланаётган, замонавий фронтда бир эмас, бир неча йўналишларда чинакам жанг кетаётган, ҳар куни юзлаб оилалар отасиз, боқувчисиз қолаётган, уйлар ёнаётган, унумдор далалар портловчи воситалар билан тўйинтирилаётган бир пайтда тинчлик, миллатлараро дўстлик, манфаатли ҳамкорлик ишига зийн-заҳмат етказувчи, маълум маънода пухта ўйланган, қайси бир жойнинг сукути, демакки, норасмий розилиги билан юзлантирилаётган бундай қабих баёнотлардан кўзланган мақсад нима? Мақсад — қўмсаш.

ШАМОЛ ҚАЕРДАН
ЭСАЯПТИ?

Яқинда собиқ марказдан келган бир таниқли тарғиботчи телевидениеда чиқиш қилиб, “Биз ўзаро маданий алоқаларни кескин кучайтиришимиз керак, масалан, Тошкентни дўстлик ва тинчлик шаҳрига айлантириш мумкин”, деди саховатпешалик қилиб. Бу таклифни бундан уч ой аввал Бишкек шаҳрида ўтказилган маданият ходимлари форумида бошқа бир тарғиботчи ҳам ўта кўтаринки пафосда ўртага ташлади.

Мен унга жавоб қилиб: “Муҳтарам жаноб, Тошкент азалдан дўстлик, тинчлик шаҳри, унинг бу мақомини бутун дунё тан олган, велосипедни қайта ихтиро қилишга мутлақо ҳожат йўқ. Иккинчидан, бундай савоб ишга киришмоқчи бўлган киши, аввало, ўз уйида тинчлик-хотиржамлик ўрнатиши зарур. Бундай қилмай туриб, қўшнингнинг уйига борган киши кулгига қолади. Яхшиси, мен сизга тинчлигини йўқотган, ярим вайронга айланган бошқа шаҳарларни номзод сифатида таклиф қилишим мумкин”, дедим.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошларида иттифоқчи республикалар мустақилликка эришгач, Москва жамоатчилиги вакиллари матбуотда, радио-телевидениеда ғаройиб бир шикоят билан чиқишлар қилишган, “Нима бўляпти ўзи? Магазинларда олма, ўрик, беҳи, ёнғоқ, Ўрта Осиёдан келадиган анор, эртанги қарам, pista-бодом қани? Болаларимизни нима билан боқамиз? Миллий республикалар раҳбарияти қаёққа қараяпти ўзи? Бу қандай масъулиятсизлик? Интернационализмга ҳурмат шуми? Уларнинг танобини тортиб қўйиш керак. Шундай қилинмас, пештахталаримиз хувилларига йўл қўймаймиз, ўз-бошимчаларга чора кўрилишини талаб қиламиз”, деб шовқин солган эди.

Бугун ўтмишда қолиб кетган мана шу текинтомоқлик турлича кўринишларда кўмсалмоқда ва бу қўмсаш мантиққа мутлақо зид, ҳатто кулгили орзу-хаёлга айланаётди. Одамзот нималарни орзу қилмайди, дейсиз. Ёшинг бир жойга борганда ёшлигингни, бешоб бўйдоқлик йилларини кўмсайсан, аммо бу давр тушингга кирса қирадики, ўша ҳолатинг ҳеч қачон қайтиб келмайди. Шу боис, бўладиган гапни гапириш керак.

Бир донишманд бобомиз: “Бир мақсад йўлида олдинга томон илдамлаб бораётган одам йўлида учраган ҳар бир кучукчага эътибор берарваса, кўп вақт йўқотади”, деган. Ўзимизнинг бобомиз шундай деган. Бу улуг насиҳатни асло унутмаймиз. Аммо... ша- молнинг йўналишига ҳам қараб тураемиз.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ



ТАЛҚИН

“СИЗНИНГ АРМОНИНГИЗ ЯШАР ҚАРОҒДА...”

Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш, Омон Матжон, Жамол Камол, Маъруф Жалил, Муҳаммад Али ва бошқаларнинг жадид боболаримизга ва ўз ижодларида жадидлар руҳини, жадидона кайфиятни дадиллик билан давом эттирган Усмон Носир, Ойбек, Шайхзода, Миртемирлар ва қатағон қилинган бошқа ижодкорлар хотирасига аталган дардкаш мисраларида, чексиз бир муҳаббат алангасида исинган шеърларида поёнсиз бир нафратнинг, енгиб бўлмайдиган шиддатли ғазабнинг ҳам тафтини сезасан киши.

Давру давронга нафратнинг... Қонхўр замонга нафратнинг... Лирик “мен” маънавий оламида муҳаббат ва ғазаб бирлиги шоир этикоднинг пойдорлигини, лирик кайфиятнинг кўламини белгилайди. Ҳақиқий ва ҳаққоний шеърят замонларнинг узилган ришталарини уловчи, бегонасираган авлодларни бир-бирига яқинлаштириб, қондошликни тикловчи маънавий-эстетик робота эканлиги яна бир қарра аён бўлади. Ишонч билан айтиш мумкинки, сталинизм ҳукмрон чоғларда, улкан бир мамлакатни қабоҳат ва разолатлар бошқараётган маҳалларда Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ойбек, Шайхзода, Миртемир сингари софдил ва муқаддас инсонлар турли-туман иллатларга кўмилган жамиятнинг Поклик, Одамийлик, Софлик, Эзгулик Ороллари эди!..

Қатағонга учраган аксарият ижодкорларнинг омадсизлигино фожиавий қисматларининг туб сабаблари шу нуқта-

рийдан кўра унинг қахрамонлари — Отабек ва Кумуш кўпроқ куйланади. Абдурауф Фитрат ва Абдулхамид Чўлпон номларини эса ўша давр шеърларида, деярли, учратмаймиз. Фақат Абдулла Ориповнинг олтимишчи йилларда ёзилган “Ёзажакман” (1968) радифи машҳур ғазалида бир байт бор.... Мана ўша байт:

*Осмон элининг турфа-туман юлдузи кўлдир,
Хўбдир бариси, равшани — Чўлпон ёзажакман.*

Шоир бу сатрлар орқали нима демоқчи? Гап ҳақиқатан ҳам, осмон элининг турфа-туман юлдузлари ҳақида бор-моқдамикан? Чиндан ҳам “Чўлпон” фақат юлдузни англартармикан? Бу ва бошқа бир қатор саволларга жавоб бериш учун шеърни батафсилроқ таҳлил қилишга тўғри келади.

Эсингизда бўлса, ғазал ижодкор ва дунё, шоир ва за-



да туташади: давр иллатларига бўйин эгмаслик. Абдулла Ориповнинг қатағон қилинган ижодкорларга бағишланган шеърларида ушбу ҳақиқатнинг инъикосини кўраимиз. Аён бўладики, жабр ва қўрқувга, ёлғон ва алдовга асосланган жамиятда барча маънавий фазилатлар, ботиний-ахлоқий қадриятлар нафақат ўз қимматини йўқотади, қадрсизланади, балки инсонни ҳалокатга элтүүчи акс хислатга айланади. Қабиҳ ва разолатлар дунёсида эзгуликнинг йўқ қилиниши муқаррардир.

Замонга мослашишни истамаганларни, давр йўриғига юрмаганларни, яъни маънавий ўлимга кўнмаганларни — жисмоний ўлим кутади. Қўрқув ва ёвузлик дунёсининг таомили, бузилмас “хаёт” қонуни шундай эди. Бу темир қонун ўзининг яққо-ёлғиз “ўлим” деган мантйига суянади. Инсонни ёки инсонда инсонликни ўлдиришга қаратилган бу ёвуз диктатура бутун бошли мамлакатни ўликлар салтанатига айлантиришни мақсад қилиб қўйганди.

Уша вақтда, XX асрнинг 30-50 йилларида ҳам, бу кун ҳам жамият маънавий ўлим ҳақида жиддийроқ ўйлаган эмас. Жисмоний ўлим ваҳимаси бунга имкон бермаган. Шунинг учун биз қатағон қурбонлари, деганда ҳамша маънавий ўлимни эътибордан соқит қилаётмиш. Ваҳоланки, маънавий ўлим миқёси ва оқибатлари янада даҳшатлироқдир. Фожиа ва йўқотишларнинг ана шу қатламларига етиб бориш, эҳтимом, сўз санъатининг келгуси вазифаларидандир.

Абдулла Ориповнинг бевақф кетган устозлар руҳига эҳтиром билан битилган бағишловларида тушунтириб бериш жудаям қийин, сўзлар орқали ифодалаб бўлмайдиган галати бир кайфиятни ҳассос шеърхон туяди. Ёш лирик қахрамоннинг мураккаб ҳиссий ҳолатларида, қийноқли ўй ва кечинмаларида ваъдага, онгга, қасамга ўхшаш нимадир бор. Ҳа, шоирнинг бу руҳдаги шеърлари худди қасамд ёнглиг янграйди. Бу қасамнинг мазмунини эса, ҳеч шубҳасиз, “тутдек тўкилган” авлоднинг этикод ва идеалига янги лирик қахрамоннинг самимий садоқати белгилайди.

*Сизнинг армонингиз яшар қароғда
Балки у бўйлағай асрларни ҳам...*

Шоир устозларнинг эзгу армонлари, айни авжда узилган орзулари келгуси авлодларга, бўлгуси асрларга ҳам етиб боражатига чин дилдан ишонади. Янги лирик қахрамоннинг маънавий оламида кувончдан кўра ўқинчнинг, орзумандликдан кўра ҳасратнишинликнинг, умуман, орзулардан кўра армоннинг етакчи кечинма даражасига кўтарилиши ана шу билан изоҳланса керак.

“Сизнинг армонингиз яшар қароғда”... Ҳа, бу аламми қасамд фақат Миртемир эмас, балки мустабид замон тақдирини чил-чил синдириган барча маънавий салафларга қарата айтилган эди. Гап шундаки, уларнинг ҳаммасини ҳам ўша даврда бемалол тилга олиш мумкин эмасди. Тасодифий эмаски, турғунлик даври лирикамизда Абдулла Қоди-

мон ҳақидаги теран, фикрчан ҳамда эҳтиросли ва ғазабли мисралар билан бошланади. Айни шу асабий шиддат лирик кайфиятнинг мазмунини англашга ёрдам беради.

*Дўстлар, демангиз мен шеърю дoston ёзажакман,
Мен шеърю дoston ичра бир афгон ёзажакман.*

Шоирни ич-ичидан куйдирадиган дардни тушунишга уринайлик. Нега шоир, мен шунчаки дoston эмас, балки афгон ёзаялман, дея қуянади? Бу афгон нимадан, қайси аламлардан туғилган? Лирик “мен”ни бутунлай мувоzanатдан чиқарган, жунбушга келтирган бу ўтли ғамнинг илдизлари қаерда? Лирик қахрамоннинг аламзада кайфияти нега бошқаларда ҳайронлик уйғотади?

*Ҳайрона боқур бу маним аҳволима ҳар ким,
Мен эрсам ўзгалар аҳволига ҳайрон ёзажакман.*

“Мен” эса бошқалар аҳволига ҳайрон... Бу ўзаро ҳайронлиқнинг боиси не? Лирик “мен” ва муҳит орасидаги “тушунмовчилик”нинг аниқ сабаби бормикан? Шунга сабаб “мен”нинг муҳитдан ҳайрон бўларлик даражада ўсиб кетганимикан? Ёки теварак муҳитнинг лирик қахрамон аҳволини англашга ожизлик қилишимикан? Умуман, ушбу қарама-қаршилик Абдулла Ориповнинг аксарият буюк шеърлари, айниқса, илк лирикаси учун жудаям характерлидир. Шоирнинг олтимишчи йилларда қозоғга тушган машҳур тўртликларидан бирида ҳам мазкур конфликтнинг бир қадар кескинроқ ва киноямуз оҳангда ифодаланганини кўраимиз.

*Булбул ўғай эрур зоғлар орасида,
Юғурик сув ўғай тоғлар орасида.
Муҳаббат дардидан бемор қалбларимиз
Ўғай бўлсак не тонг соғлар орасида .*

Ушбу тўртликда тасвирланган ҳолат юқорида келтирилган байтдаги “мен” ва “ўзгалар” ўртасидаги “ҳайронлик”ни тушунишга кўмаклашади. Яъни, булбул зоғлар, юғурик сув тоғлар, “муҳаббат” дардидан бемор қалблар соғлар орасида ўғай бўлгандай, “мен” ҳам “ўзгалар” орасида шунчалар ўғайдир. Шоир ва муҳит ўртасидаги бегоналиқнинг, янада аниқроғи, қарама-қаршиликнинг образли ва эса қоларли ифодаси бу. Тасодифий эмаски, муаллиф кейинги байтда “мен”ни шоир, деб атайди:

*Шоир дилига қилмас ҳавас, бут эса бағринг,
Шоир юрагин доимо вайрон ёзажакман.*

Абдулла Орипов “шоир” деганда, табиийки, фақат ўзини, ўз дардманд ҳолатини кўзда тутмаган. Ҳазалдаги умумий кайфият шунга далolat қилади, муаллиф шоир



Яшар ҚОСИМ,
Озарбайжон Фанлар академиясининг
бош илмий ходими,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

қалбининг вайронлигини таъкидлар экан, биргина ўз аламларини тўкиб солмасдан, умуман, санъаткор фожиасини куйламоқчи. Мазкур байт ҳам “Ёзажакман” ғазалининг айни шоир фожиаси ҳақидаги асар эканини далиллайди:

*Солди дилима қанча алам у шўхи бадху,
Билмамки, ахир қай бири қурбон, ёзажакман.*

“Мен” дилига чексиз алам солган “у шўхи бадху” шоирлар фожиасининг классик номидир... Кейин эса буюк Чўлпоннинг муборак номи муҳрланган байт келади.

*Осмон элининг турфа-туман юлдузи кўлдир,
Хўбдир бариси, равшани-чўлпон ёзажакман.*

Бу мисралар орқали ғазалда фақат муаллиф ўз аламларини ва умуман, санъаткор қисматининг фожиавийлиги тўғрисида эмас, ҳамда муайян бир омадсиз шоир тақдирини хусусида куюниб сўзлаётгани аён бўлади. Абдулла Орипов “чўлпон” образи билан сўз ўйини қилади. Ҳа, “чўлпон” фақат юлдузнинг номи эмас, балки миллий-маънавий этикодимишнинг йўлбошчиларидан, шеърятимиз осмонининг юлдузларидан бири — XX аср бадиий-эстетик тафаккуримизнинг тонг юлдузи Абдулхамид Чўлпон тўғрисида сўз кетаётганини тушунамиз. “Чўлпон” истиорасининг “ёзажакман” таъкид-радифи билан ёнма-ён келиши байтнинг маъно уфқларини янада кенгайтирган. Муаллиф шу орқали ўзининг Чўлпон руҳига чексиз муҳаббатини, Чўлпон йўлига садоқатини ҳам ифодалаган. Қолаверса, Абдулла Ориповнинг “чўлпон” номи зикр этилган тағдор сатрларида Абдулхамид Чўлпоннинг ўзининг машҳур мисраларига ҳам ишора бор.

*Муҳаббат осмониди гўзал чўлпон эдим, дўстлар,
Қўёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку .*

Ҳақиқатан ҳам, “Ёзажакман” (1968) ғазалида миллий армонимиз — бир пайтлар маънавиятимиз осмониди порлаган гўзал Чўлпоннинг зулмат салтанатига тоқат қилолмай “ерга ботиши” алам билан эсланадики, шунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Бемалол айтиш мумкинки, “эй жоҳили нокас” хитоби кимгадир қаратилган эмас, бунда аниқ биров, муайян бир шахс кўзда тутилмаган. “Мен” замонга қарши қияпти. Ҳа, бу ғазал шарманда салтанат пешонасига битилган ғазабли айбонмадир. Ҳазалининг поэтик мантйи ва пафоси шундай жиддий хулоса чиқаришга ундайди. Зеро, “Ёзажакман” кимдандир, ҳатто каттақон арбоб ёки раҳбардан хафа бўлиб ёзилган шеър эмас. Балки Абдулла Ориповнинг шеърни ва шоирни поймол қилган, инсон шахсини ва эркини оёқости қилган ёвуз жамиятга, “пучак жонлар” аҳлига исёни эди.

Ёш ва янги авлоднинг 60-йиллардаги шоирона дил андуҳлари, оташин поэтик кечинмалари янги эстетик идеални шакллантирадиган худди мана шундай маънавий-бадиий сарчашмалардан эди. Шуниси аниқки, Абдулла Орипов ва авлоддошларининг дардманд ва миллий ғам билан сугорилган навқирон руҳий таржимайи ҳоли ёвуз замоннинг кўтаринки ва кувноқ эҳтиросларидан эмас, балки жадид боболаримизнинг, Фитрат ва Чўлпонларнинг, Абдулла Қодирий ва Усмон Носирларнинг озодлик армонларидан, эрк ҳайқириқларидан туғилган. Уларнинг ёш ва мардона дилномалари, шикаста кўнгул рози мустабид тузум ва ҳокимият томонидан тушовланган, эврилган Сўз ва Шеър шакл-шамойилидаги “шодлик қўшини”дан (Рауф Парфи) эмас, аксинча, занжирбанд қилинган кўнгулларнинг пинҳона йиғисидан, қулишга мажбур ва маҳкум этилган кўзларнинг яширин ёшларидан сув ичганди. Ҳа, донишманд Фафур Фуломнинг интизор ёшлари:

*Зўр қарвон йўлида етим бутадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш...*

“Бетимсол Ойбекнинг” кўнгул йиғиси: *Юрагимда йиғлар Ватаним...
“Бекиёс шеър лочини” — Мақсуд Шайхзоданинг кўз ёшлари:*

*Мени йиғламас деб ўйлар одамлар,
Лекин чақмоқтошга ҳам қўнар шабнамлар.*

*Мен оламдан яшириб кўз ёшларимни
Кечалари эслайман йўлдошларимни —*
ҳеч шубҳасиз, ёш ва янги авлоднинг боқира дунёсида, бегубор ва мурғак қалбда унутилмас ўқинч, ўчмас из бўлиб қолган, унинг кўнгул кўзини очиб юборганди.

Боку шаҳри

Бошланиши 1-саҳифада



АЙ-ТИ, ОЛИМ БУВА ВА БОШҚАЛАР

— Ҳа, беш ёки олти центнер, қайроқи бугдой ҳам дейишади.

— Навоий вилоятда замонавий технологиялар, илм-фан ютуқларини ҳаётга тадбиқ этиш орқали лалми ерларда бугдой ҳосилини 20 центнерга етказдик.

— Наҳотки, бу жуда катта ютуқ!

— Албатта. Бугун дунё инсоният олдида озиқ-овқат етишмаслиги, сув тақчиллиги каби жуда кўплаб муаммоларни кўймоқда. Уларга илм-фан ечим топиб бериши керак.

“Шу шайтонарава келганидан буён Яйпандан файз кетди”, деган Олим бувага туташган авлоднинг подачиси-ю, олис ўлкаларда сув текинга ишлаб юрган фарзанди кўлидаги телефондан фойдалана-ётиб, ўзи ҳам шунақа нарса кашф эта олиши мумкинлигини бир лаҳза бўлса-да, ўйламайди! Ярата олиш тафаккури ишга солингандайди, ота-бола бир-бирдан айрилмасдан, енгил ва фаровон яшаш имконига эга бўлардилар. Қуш каби қанот қоқиб уча олмаса-да, ақл-заковат, тафаккур туфайли инсон юксала олади. Мавлоно Жалолиддин Румий айтганларидек, “Учмоққа қанот йўқ, вале учгайман”.

Мана, турли амалларни бажаришга мўлжалланган алгоритм ва дастурий тизимлардан иборат замонавий сунъий интеллект ҳам инсон онги бажариши мумкин бўлган бир қанча вазифаларни ахборот базасига киритилган маълумотлар асосида амалга ошира олади. Бу тарзи билан у Яйпандан кетган файзни қайтариш имконига эга. Мураккаб таҳлиллар ва катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишловчи дастурларни ўз ичига олиб, мантйили изчил мулоҳаза қилиш ҳамда тавсия бериш қобилиятига эга сунъий интеллектдан ортда қолиб, уни ишлата олмаслик, унга қарамликни келтириб чиқаради. Акс ҳолда у ушбу тафаккур соҳибларининг ёрдамчисига айланади.

Беҳзод Саломов юксак салоҳиятли замонавий ўзбек. Полиглот — олти тилни мукамал билади, мусаввир, ҳайкалтарош, аниматор, режиссёр. “Бир йигитга қирқ хуна оз” деганларидек, қизиқишлари сарҳад билмайди. Аксарият дунё мамлакатларини айланиб чиққан, ҳиндлар орасида яшаган, турли динлар, этикодлардан яхши хабардор. “Футурист” номли киностудияга асос солган. Унинг офисидида компьютер соҳасида етук мутахассислар фаолият юритишади. Дунёнинг турли мамлакатларидан буюртмалар олиб туришади. Икки йилдирики, янги ташкил этилган Тошкент Халқаро кинофестивалига дунёнинг турли мамлакатларидан оқиб келаётган ўнлаб фильмларни қисқа фурсатда ўзбек тилига таржима қилиб, томошабинларга етказиб беради.

У сизнинг ёнингизда. Уни таниш эса, сизга боғлиқ бўлмаган объектив ҳодисадир. “Коинот чексизлигининг охири бўлса ҳам, инсон аҳмоқлигининг чеки йўқ”, деган эди Альберт Эйнштейн. Тафаккур ишга тушган жойда ҳаёт гуллайди.

Шойим БУТАЕВ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Баҳром ИРЗАЕВ,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори:

— “Туркистон болалари” спектаклида бир гуруҳ ёшларнинг Туркистон тараққиётига ҳисса қўшиш ниятида олис Германияга йўл олиши, таълим олиш жараёнидаги ҳаёти, Ватанига қайтгач, ўз соҳаларида амалга оширган улкан ишлари ҳамда собиқ совет ҳукумати томонидан қатағонга дучор этилиши ўзига хос тарзда очиб берилган.

Спектаклда ўтган асрдаги Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва ўткир муаммолари юртни озод ва обод қўришни орзу қилган Файзулла Хўжаев, Фитрат ва Чўлпон суҳбати жараёнида тушунтирилган. Илм-фан ва Ватан тараққиёти йўлида ҳаётларини баҳшида эттишга тайёр ёшлар, уларнинг ота-оналари, ҳукумат вакиллари ва жадид муаллимларининг Германияда ўқиш таклифини хурсандчилик билан қарши олиши ва уларни тантанали кузатиш жараёни томошабинни тўқтин-лантиради. Уларнинг Берлиндаги ҳаёти, орзу-интилишлари ва илм йўлидаги саъй-ҳаракатлари Абдуваҳҳоб Муродий, Саттор Жаббор, Аҳмад Шукрий, Хайринисо Маждихонова, Султон Маткул, Марям Султонмуродова, Афзал Абдусайдлар тимсолида ишонарли кўрсатиб берилган ва бу томошабинни бефарқ қолдирмайди. Туркистондан профессор Мейерсоннинг боришини асарнинг кульминацияси десак, Жавлон Жовлиев “Курқма” романида уни ашаддий шовинист ва табиатан ўта хунук қилиб тасвирласа, Гўзалой Матёкубова Туркистоннинг ва талабаларнинг “дўсти” сифатида таништиради. Воқеалар, кечинмалар Аҳмад Шукрий (Бекзод Зокиров), Султон Маткул (Нодир Бекмуродов), Хайринисо Маждихонова (Сабина Муродова), Марям Султонмуродова (Хуснияхон Тўрамурад) образлари орқали таъсирчан гавдалантирилган. Кузатишимча, атрофимиздаги ёшлар ҳам, кексалар ҳам бу қахрамонларга қўшилиб қулди, гавабланди, куйлади, йиғлади. Шу ўринда Гўзалойнинг яна бир ютуғи Берлиндаги талабаларнинг “Кўмак” журналида чоп этилган шеърларини, мақолаларини ўзларига ўқитганидир. Михалков ва Афзал Абдусайд тўқнашуви ҳам жуда таъсирли

“ТУРКИСТОН БОЛАЛАРИ”



чиққан. Асарда икки образ — Хайринисо ва Марям бириктирувчи вазифани ўтаган. Аммо улар, ҳақиқатан ҳам, Германияда, Ж.Жовлиев таъбири билан айтганда, ўша “етмишвойлар”нинг икки кўзи эди. Ҳа-лийм уларнинг Париж сафари, Венадаги ҳаётлари ёритилмаган. Умуман, спектакль режиссёри Расулжон Тоғайқулов, саҳна асарига бадиий раҳбарлик қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимовга ҳам бу гўзал асар учун миннатдорлик билдираимиз.

Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ,

санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори:

— Спектаклда бугунги жамиятимиз, ёшлар камолоти учун жуда зарур ғоялар илгари сурилган. Ўтган асрнинг 20-йилларида жадид маърифатпарварларнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан олмон диёрида таҳсил олган ва Туркистонга қайтгач, фожияли тарзда қатл этилган миллат ёшларининг жасорати бугун ҳар бир инсонни ҳаяжонга солиши, Ватанга бўлган муҳаббатини ошириши табиий. Шу маънода Ўзбекистон давлат драма театри жамоасини айни мавзуга мувожаъат қилгани билан қўласак арзийди.

Драма муаллифи Гўзалой Матёкубова Туркистон ёшлари қисматини мураккаб, драматик лаҳзаларда тасвирлайди. Хусусан, талабаларнинг Германия сафари олдидан Ватан ҳақида қасам ичиши, рус мулозими Мейерсон билан суҳбати, хибсдаги оташин сўзлари томошабини мутаассир қилади.

Этиборлиси, спектаклдаги барча қахрамонларни, асосан, ёш актёрлар ижро этган. Улар саҳнада бир-бирини тушуниб, яхлит ансамблга айланшади, муаллиф ва режиссёр ғоясини ифодалашга ҳаракат қилишади. Жумладан, Бехзод Зокиржонов ижросидаги Аҳмад Шукрий, Нодир Муҳаммаджонов ижросидаги Саттор Жаббор, Хуснияхону Тўрамурадота талқинидаги Марям Султонмуродова, Сабина Муротова гавдалантирган Хайринисо Маждихонова образларида этиборга молик ютуқлар мавжуд. Айниқса, матонатли ўзбек қизи Хайринисо образи спектаклнинг етакчи қахрамонига айлантирилганини қайд этиш лозим. Хайринисо — миллат хотин-қизларининг чинакам тимсоли, фидойилиги, жасорати, илму маърифати билан минглаб тенгдошларига ўрнак бўлган, Ватан тараққиёти, ҳурлиги учун ширин жонини нисор айлаган қахрамон аёл. Унинг қамоқхонада рус зобити билан учрашуви спектаклнинг энг таъсирчан саҳналаридан бири бўлиб, заифа бўлса-да, қаддини тик тутиб, душманнинг юзига боқиши, бетига тупуриши ва якунда даҳшатли калтаклари га туриб беришини кўриб, ўзбек қизининг жасурлиги, темир иродасига таҳсин ўқийсиз.

Шу ўринда ижро ва талқин масаласидаги айрим мулоҳазаларимизни айтиб ўтсак. Спектаклдаги диалоглар ҳар қанча таъсирчан ва ҳароратли бўлмасин, актёрларнинг ҳали ёш экани, муайян ўринларда тажрибага муҳтожлиги сезилиб қолган. Актёрлар матни пухта ўзлаштирган, бирок ўша матн ортидаги дард, изтироб,

аламу қайғу, фожиялар етарлича ҳис қилинмаган, ақсар саҳналарда овозу эҳтиросга зўр берилади, ортиқча пафос, ҳиссиёт устуворлик қилади. Ваҳоланки, кечинмаларни сукутлар ила, жим туриб ҳам етказиш мумкин. Шунингдек, жадидлар — Чўлпон (Пўлат Норматов), Файзулла Хўжаев (Сирожиiddин Сатторов), Фитрат (Нодир Мирзаэхмедов) образларини тажрибали актёрлар ижро этган бўлса-да, уларнинг спектаклдаги ўрни деярли сезилмайди. Жадидлар Туркистон ёшлари тақдирда ҳал қилувчи ўрин тутганини инобатга олсак, уларнинг драма ва спектаклдаги аҳамиятини ошириш даркор. Бу вазифани амалга ошириш учун ёш режиссёр Расулжон Тоғайқулов актёрлар билан изланишларини давом эттириши лозим.

Саҳналаштирувчи расом Сергей Чуфарнов давр манзараси ва муҳитини саҳна декорацияларида очиб беради. Спектаклда саҳнада кечаётган воқелик билан параллел тарзда орқа фондаги видеотасвир орқали XX аср бошида Туркистондаги ҳаёт, жадид зиёлиларининг қийёфалари кўрсатилади. Назаримизда, бундай ёндашув шартли санъат бўлиши театрининг табиатига мувофиқ эмас, саҳнада барча воқеаларни жонли кўрсатган маъқул.

Шу каби камчиликларни истисно этганда, “Туркистон болалари” спектаклидан кўзланган мақсадга эришилган деса бўлади. Энг муҳими, бу саҳна асари ёшларимиз қалбига ватанпарварлик, юртга садоқат, миллатга дахлдорлик ҳиссини уйғотишга хизмат қилади.

Маъмур УМАРОВ,

фалсафа фанлари номзоди:

— Ёш драматург Гўзалой Матёкубованин “Туркистон болалари” номли драмаси асосидаги спектаклнинг бош қахрамонлари чет элларда ўқиб келиб, юрт ривожига ҳисса қўшишни ният қилган ёшлар. Саҳнада улар билан бирга Ф.Хўжаев, Фитрат Чўлпон қийёфалари ҳам намойён бўлади.

Туркистон ёшлари 70 дан ортиқ эди. Драматург саҳна талабларини инобатга олиб, бу ёшлар номидан тўрт йигит ва тўрт қизни асарга бош қахрамон қилиб олган. Ёш режиссёр драматург билан ҳамкорликда спектакль композициясини воқеаларнинг мантиқий ривожига асосига қуради. Натижада бошланиш, тугун, ривож, пафос ва ечимдан иборат композицияга эга бўлган томоша юзга келади. Ушбу томошанин асосий ғояси ёшларни билимли бўлишга ва ўз юртининг равнақи учун ҳисса қўишга даъват қилишдан иборат.

Театрнинг бош режиссёри О.Салимов мазкур спектакль учун институтни энди битирган ёшлар танлаб олинганини, улар театр жамоаси билан биргаликда тажриба ортираётганини алоҳида таъкидлади. Мазкур спектакль премьераси қўтирилгандан зиёд натижа кўрсатгани ёшлар устозларининг ишончини оқлаганидан далолат берди. Чунки томоша сўнггида зал оёқка қалқди, муҳлисларнинг гулдурас қарсақларидан ларзага келди. Ҳаммамиз учун янги ва яхши спектакль муборак бўлсин.

Суҳбатни Гулчеҳра УМАРОВА ёзиб олди.

ОЧИҒИНИ АЙТГАНДА

СИЗ СЕРИАЛ КЎРАСИЗМИ?

Атрофимиздаги олам бизнинг қарашларимиз, орзуларимиз, интилишларимиз, ҳулосаларимизга таъсир кўрсатади. Бунда, айниқса, жамиятда бирага яшаётган, турли соҳада фаолият юритаётган кишиларнинг қарашлари, тутумларининг таъсири катта. Кейинги вақтларда ойнаи жаҳон орқали узатилаётган кўрсатувларнинг, ҳатто рекламаларнинг одамлар онгига таъсири қанчалик кучли бўлаётганини кўриб турибмиз.

Бу борада телевизион сериаллар етакчи мавқени эгалламоқда.

Сериаллар ҳам, албатта, уларга эҳтиёллардан келиб чиқиб пайдо бўлган, ривожланган, мавзусини кенгайтирган. Сериалларнинг яхшиси мазмунли китоб ўрнини босиши ҳам мумкин. Китоб ўқимайдиган кишиларнинг катта қисми кино ва сериалларга қизиқади, уларни томоша қилади.

Сериалнинг бадиий фильмдан фарқи бор, албатта. Фильмларда, сир эмаски, воқеалар ривожига қисқа давом этади, воқеа-ҳодисалар маълум вақт ичида ёритилади. Шундай экан, тафсилотларнинг ҳаммаси ҳам акс этмайди. Сериаллар эса, кўп қисми ва фааслаларга бўлинади воқеалар энг майда деталларига, кунма-кун ёритиб борилади. Сериал аввалдидан унча қачон тугаши ва неча қисмдан иборатлиги номаълум бўлгани сабабли уларни қанда қилмай кузатадиган муҳлислари кўп.

Дунё сериаллари тарихига назар ташласак, улар, асосан, ўтган асрнинг 50-йилларида АҚШда оммалашганини кўраимиз. Дастлаб машҳур бўлган сериаллардан бири “Дунё қандай айланади” фильми бўлган. Энг узок давом этган сериал “Йўналиш” 18262 қисмдан иборат бўлган ва Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган.

Америкадаги телевизион сериал мактаби кейинроқ Буюк Британия, Аргентина, Германия, Франция, Бразилия, Мексика ва бошқа давлатларга ёйилган ва ривожланган.

Дунёнинг турли мамлакатларида халқларнинг сериалларига эҳтиёл бор. Бизнинг юртимизда асримиз бошларда Мексика сериаллари қизиқмоша томоша қилинган бўлса, бугунги кунда, кўриб турганимиздек, турк, корейс, хитой сериаллари кўпроқ қизиқтиради. Эътибор берсак, сериалларини дунёга тақдим этувчи мамлакатлар ҳатто маиший мавзулардаги фильмларда ҳам ўз қадриятларини, тарихий қахрамонларини улуғлашади, ватанининг,



юртдошларининг ютуқларини намоиш қилишади. “Денгиз ҳуқмдори” сериали қахрамонини яхши биладиган, у каби бўлишга интиладиган болалар Амир Темурнинг қандай шароитларда сарқарда бўлганини билмайдилар. Ёки тиббиёт илми асосчиси Ибн Синони билмайдилар-у, корейя сериаллари тасвирида улардаги тиббиёт тарихи ва бугунини илғор, деб ўйлайдилар.

Нега биз шу каби сериалларга ўз миллий-тарихий сериалларимиз билан жавоб беролмаймиз? Ахир, кучли мафкура таъсирига тушиб, миллий ўзликини йўқотмаслик ва тарихимиздан узилиб қолмаслик учун энг катта куч телевидениеда экани маълум-ку.

Аждодларимизни билмаслигимизга, тарихимиз билан фахрланмаслигимизга бугунги кунда шу буюк тарихни, аждодларимиз шаънини кўрсатишга имкони бўла туриб, бу имкони соураётган, кассабоп, ўртамиёна, энгил-елпи, мулоҳазага чорламайдиган, мазмунли саёз фильмлар намоиш қилаётган мутахассислар сабаби эмасми? Томошабин қизиқишига қараб иш тутуш тўғрисида, лекин савиясиз томошабинга мослашиш бошқа — чучук фикрли, талабчан, мушохадга юритадиган эътиборли томошабинлар савиясига ҳам таъсир кўрсатади.

Юртимизда сериал ишлаб чиқариш ўтган асрнинг 70 — 80 йилларида бошланди. Дастлабки сериаллар сифатида 1977 — 1984 йилларда суратга олинган 17 қисмли “Оповли йўллар” киноромани, 1981 йил суратга олинган 20 қисмли “Навоний”, 1990 йилда 10 қисмли “Бобур”, 1996

йилда 15 қисмли “Мехробдан чаён”, 1997 йилда 100 қисмли “Чархпалак”, 1998 йилда 50 қисмли “Кўнгил кўчалари” сингари фильмларни эслаш мумкин. Очиғини айтганда, миллий тарихий сериал деганда шу фильмларга ишора қиламиз. Тўғри, ўтган йилгирма йил мобайнида халқимизга ўзбек кинорежиссёрлари томонидан суратга олинган “Ту-таш тақдирлар”, “Опа-сингиллар”, “Қалдирғочлар яна қайтади”, “Мехмонжонлардан айланай”, “Умидингни сўндирма” каби сериаллар ҳам намоиш қилинди. Аммо уларда ҳам маиший мавзу етакчилиги қилади. “Сержантлар 1-2” каби сериаллар эса, маълум йўналишда бўлса-да, шўхрат қозондиган даражада ишланмаган.

Хитой ва корейс сериалларида мамлакат тарихи юксак даражада кўрсатилгани билан бирга, фильмин томоша қилган ёш авлод тасавурида бош қахрамонларга ҳавас, уларга ўхшашга уриниш ёки фарзандига қахрамонлар исмини қўйиш ҳолатлари ҳам кузатиладики, бу томошабинлар дунёқарашига сериалнинг таъсири жиддийлигини кўрсатади. Ёш авлодга, умуман, халқимизга ўзлигимиз, тарихимиз, Мирзо Улўғбек, Ибн Сино, Беруний, Навоний, Бобур, Нажмиддин Кубро сингари сиймолар ҳақида фильмлар яратиш ўрнига қайнона-келин, мерос талашши каби майда мавзулардан четга чиқа олмаймиз.

Тўғри, фильм ёки сериалларни оила даврасида жам бўлиб кўриш мумкин, лекин бу билан сериалларни оқлаб бўлмайди. Бу уларнинг вазифасига кирмайди. Сериал-

лар миллий қадриятларни ёшларга сингдиришга, миллий ғояни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилиши керак. Бугунги кунда айрим киночилар томонидан тақдим этилаётган маҳсулотлар шунчаки тадбиркорлик — бизнесга айланиб қолгани сир эмас. Сериалларни кузатиб борувчилар, одатда, китоб ўқишга мойил, давомли воқеаларга қизиқувчан, саргузаштларни ёқтирадиган, қутилмаган ҳодисаларни кузатишга иштиёқманд бўлишади. Ҳар бир юртдошимиз ҳам иш фаолияти, кундалик юмушлари, турмуш ташвишларидан ортиб, кунда бир марта бўлса-да, ойнаи жаҳон қаршисига келиши аниқ. Бирор фильм ёки сериални кўриб, ҳордиқ олишни истайди. Лекин бугун намоиш этилаётган баъзи сериал ва фильмлардаги мазмунан бир хиллик, саёзлик ва саводсизлик кузатувчиларнинг онгига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўз муаммоларидан чалғиш ниятидаги инсон фильмини томоша қилаётганда воқеалар таъсирига тушиб, руҳан эзиллиш, асабийлашиш ҳолатларига тушиб ҳам бор гап. Чунки уларнинг барида деярли бир хил муаммолар: келин ва қайнонанинг келишимаслиги, севги ва муҳаббат мижозлари, хиёнат каби мижозлар тасвирланади.

Яқинда намоиш қилинган “Номус” сериали анонсини кузатганимизда, бу гал яхшигина фильм ишлашиди, деб ўйлагандим. Аммо ундай бўлиб чиқмади. Ному номуснинг оғриқли, инсоннинг инсонлигини белгилайдиган энг муҳим мезон эканига ишора қиладиган ушбу фильмин бирор-бир жиҳатига кўра оқлаб бўлмайди. Унда на садоқат, на ҳаё, на ҳалоллик, на муҳаббат тараннум этилган. Қани бизнинг қадриятларимиз? Нега биз бузқўлик, маиший тубанликни томошабинга тақдим этаямиз? Нега маиший ҳаёти тубан одамларни қахрамон қилиб олиб чиқаямиз? Нега одамларнинг туйғуларин билан уйнаямиз?

“Номус” да номуздан айрилиб қолган қизнинг бошқа бир оилага келин бўлиб бориши, фарзандининг бошқа бировдан эканлиги, хуллас, бу каби воқеаларни кўриб-кузатиб ўтиришга тоқат етмайди. Нима бўларкин, деб томоша қилиб турган жуда кўплаб томошабинларнинг кўнглида ҳам шундай эътирозлар пайдо бўлиши табиий.

Мен одамларимизни, айниқса, болаларни бу каби сериаллардан қаттиқ қизғонаман. Ё сериалларга қатъий талаб қўйиш керак ёки уларни чеклаш лозим. Бошқа йўл йўқ.

Гулнора ШЕРМАТОВА,

Алишер Навоний номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси

МУНОСАБАТ

ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТ БАХШ ЭТАДИ



Ўзбекистонда “Жадид” номли газета нашр этила бошлагани муҳим тарихий воқеадир. Бу, биринчидан, жадид болаларимизнинг маърифий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ғояларига бугунги кунда катта эътибор қаратилаётганини кўрсатса, иккинчидан, мустақил совет тузуми даврида қатағон қилинган жадидлик ғояларини бугунги авлод қайтадан давом эттириб, миллатимиз манфаатлари йўлида фойдаланаётганидан далолатдир. Ҳурматли Президент Шавкат Мирзиёевнинг жадид болаларимиз ғояларини давлат миқёсига кўтариб чиққанидан бехад хурсандимиз.

“Жадид” газетасининг илк сонини кўлга олиб, уни диққат билан ўқиб чиққанимизда, бу янги нашр жадид болаларимизнинг миллий мероси ҳозирги ва келажак авлодларга етказиб берилишида, уларнинг ватанпарварлик руҳида улғайишига катта ҳисса қўишига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим. “Жадид” газетаси фаолиятига равнақ тилаймиз.

Темур ХҲЖАЙҒЛИ,

Мичиган давлат университети фахрий профессори, Мирзо Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори

“Жадид” газетасининг нашр бўла бошлаганини эшитиб жуда қувондик. Жадид болалар ғояларини миллатга етказишни таъминлаш Ўртбошнинг жонқуярилигини кўрсатади. Зеро, жадидлар юксак илмий, миллий, сиёсий, ижтимоий ғояларини илгари сурган, миллатнинг эрки, гурури ва истиқболи йўлида жонларини фидо этишган. Жадидларнинг мутараққий ғояларини илгари суриш жуда улкан мақсаддир.

“Жадид” газетасининг нашр бўла бошлаши ўзбек миллати ва Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс томон йўл олганини кўрсатади. Бу саъй-ҳаракатни жадид болаларимиз буюк орзуси амалга ошишига томон ташланган муборак қадам сифатида чин кўнглидан қутлайман, жадидлар ғояларини амалга ошишида муҳим омили бўлади, деб умид қиламан.

Абдулҳақ РАҲИМҲИЙ,

Сарипул юксак ўқув муассасаси ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Афғонистон

Турк дунёсининг маънавий ҳаётига янги куч, янги ҳаракат бахш этадиган “Жадид” газетаси нашини муборакбод этаман. Инсон қалбига тўғри йўл олаётган бирлашиш замонида бутун турк оламига ибрат бўлишини тилаймиз.

Жадид болаларимизнинг муқаддас руҳлари ва “Тилда, фикрда, ишда бирлик” шiori барчамизга йўл кўрсатсин.

Аҳмет БИЖАН ЭРЖИЛАСИН,

Турк култури тадқиқотлар институти директори, профессор Туркия, Анқара



ГУЛЛАРГА КЎМИЛГАН ОҚШОМЛАР



Шодмонқул САЛОМ

XXI асрга адмари.и

Замин бекор айланмас экан,
Вақт фазода фитна тугади.
Юлдузларнинг гоҳи-гоҳида
Ер шарига кўзи тегади.

Йўқ, шунчаки нур сочмас кўёш,
Тутқун сингил – Ой тўлмас бекор.
Товонимга кирган тиканнинг
Юпитерда ҳисоботи бор.

Тили бўлса айтсин денгизлар,
Эси бўлса тушунсин одам.
Юпанч учун келмас кундузлар,
Кўрқув учун тугилмас тун ҳам.

Йўқ, бекорга айланмайди Арз,
Ғам, шодликда мувозанат бор.
Фақат қайтиб қутулинар қарз,
Катта, жуда катта ҳисоб бор.

Жуда катта даргоҳ бор – бешак,
Жуда улғу нигоҳни кўрдим.
Бобом отган она Мамонтнинг
Гуноҳига мен кўрқиб турдим.

Томирдаги қоним кўп қадим,
Гарчи кўп бор тиг урди риё.
Расулulloҳ таҳоратидан
Қолган сувга юз чайгил, Дунё.

Эй, сен, кўкка бир бор боқмаган,
Руҳи – банди, мудраган юрак.
Болаңг “нон” деб кўл чўзган пайти,
Сенга Куддус нимага керак!?

Панамангни ечгин бошингдан,
Мен дўпимни олай кўлимга.
Маҳатмани отган қотил ҳам
Кимга ўхшар, сенгами, менга?

Бунда чекма – димикди олам,
Руҳиятни тутунлар кучди.
Уйғонолмай чирпанар болам,
Оёқлари Озонни тешди.

Брунони ёқиб, сўнг унинг
Ёруғида ўқ йўнган, эй, кин,
Шарқ кўтарган машъала томон
Етсин, дея айланар замин.

Бир карвонда кетаётирмиз,
Кетаялмиз, йўлдошим, ишон.
Нечун совуқ зерикшингга
Пайғамбарлар бўлинлар нишон?

Айтмай десам, айтмоқ – менга фарз,
Ёзмай десам, юрак тўла шеър.
Боқкил, қандай кенгдир бу олам,
Қара қандай айланади ер.
Бешиқ каби чайқалади ер.

Шунга

Оллоҳ, чақирдингни уйингга мени,
Учиб бораманми уч кундан кейин?
Тошиб кетаяпти кўрақдан руҳим,
Раббим, хузуригда туриш ҳам қийин.

Қанча умидим бор, қанча ният бор,
Юрагим қамалган қушларга тўла.
Ҳар сезган туйғумда Сен бор, ҳикмат бор,
Барин айтолмайман, ахир бир йўла...

Барчасин биласан, ўзинг биласан,
Аммо юрагимда битта истак бор!
Каъбангни айланиб ўтаётган дам,
Олдидан онамни чиқаргин, Ғаффор!

* * *

Учмайдиган одат чиқарди бу қуш,
Бу қуш зору нолон сайрамай кўйди.
Эй, дунё, дон-сувинг этдими сархуш,
Ёхуд у тақдирга ишонмай кўйди.

Юрак томиб турган тумшуқларида,
Не ҳисларни ташиб келтирарди у.
Узлат айвонидан ҳорғин термулган
Шоирларга оғриқ келтирарди у.

Тош эмаслигини, қуш эканини,
Учмоқ ва бўзламоқ – қисмати танҳо,
Эканин эслатиб илҳом бер, Раббим!
Ерга қўнолмасдан бўлса ҳам фидо!

Шунга қўнолмасдан бўлса ҳам адо,
Унга термулганча тугайди сабрим.
Ҳатто қушга қанот нечун берилган –
Эслатиб турмасанг, бўлмасан, Раббим!

* * *

Гаплашгиси келади гоҳи,
Кўнғироқ қилгиси келади.
Гоҳида кўзимга тик қараб,
Барисин билгиси келади.

Гоҳида бўлади шундай ҳол –
Юлдуздай тўлгиси келади.
Биламан, не ажаб биламан –
У бахтли бўлгиси келади.

Гоҳида оловдай тармашиб,
Човутлар солгиси келади.
Сўнг эса бурчақда, увуллаб,
Юзларин тилгиси келади.

Гоҳида дунёнинг юзидан
Ҳижобин юлгиси келади.
Кетишга ҳозирлик кўриб, сўнг,
Ёнимда қолгиси келади.

Гулларга кўмилган оқшомлар
Негадир ўлгиси келади.
Ўлгиси келади – бир марта,
Кўлимда ўлгиси келади.

Бу аёл... кўзлари – жуфт қадаҳ,
Мен билан тўлгиси келади.
Кўнглимни – Худонинг торини
Бир ўзи чалгиси келади.

Баъзида саҳрода тош каби,
Бир ўзи қолгиси келади.
Гоҳида кўлида телефон...
Кўнғироқ қилгиси келади.

Муножот

Менга ҳам кимлардир қилар кўнғироқ,
Айтгилари келар ташвишларини.
Ичимга олисан ёқарлар чироқ,
Гўё бажараман юмушларини.

Мен ҳам бировларни йўқлайман гоҳи,
Нелардир сўйлайман, додим айтаман.
Аммо ҳеч ким йўқдир –
тубимга боқсам...

Худойим, ўзингга қайтаман!

Сени менга, мени Сенга боғлаган,
Энг инжа сабабинг, умримдан чўнғроқ.
Яратганинг гарчи беҳисоб, аммо
Менга ҳам кимлардир қилар кўнғироқ.

Бўйин томридан ҳам яқин кўлларинг,
Сезаман, тунлари бармоқларингни.
Бандангдан сўратиб сарсон қилмагин,
Қошингга не билан бармоқлигимни,
Қайси либос билан турмоқлигимни.



Ифтихор ХОНХЎБАЕВ

Кўнғилдек ОҚ АТИРГУЛ

* * *

Сени севар эдим
ва сенга ҳар тонг
Оппоқ атиргуллар келтирар эдим.
Остонанга кўйиб кетар эдим, сўнг
Кўзингга хаёлан мўлтирар эдим.

Минг ширин тушларнинг баҳридан ўтиб,
Тонгларга улардим зангор тунларни.
Кечалар боғбоннинг ухлашин кутиб,
Ўғирлаб келардим атиргулларни.

Сен эдинг умримнинг муҳаббат фасли
Ва мени бахт томон элтар йўл эдинг.
Рости, кимлигинг ҳам билмасдим, асли
Кўксимда очилган атиргул эдинг.

Сени севар эдим
ва сенга ҳар тонг
Атиргул тутардим кўнғилдек оппоқ.
Сени севар эдим, гар ишонмасанг
Гул узиб қонаган кўлларимга боқ.

Наҳот кўк боғбони кўрсатди қаҳр,
Наҳот севгим фасли поёнга етди.
Ухламас эдим-ку тунлари ахир,
Айт, ахир ким сени ўғирлаб кетди?!

Душман аскарни

Ўғлини соғиниб йиғларди она,
Эшиқ тақиллади ярим кечада.
Бир ярадор аскар кўкраги қонаб,
Хушсиз ётар эди лойли кучада.

Она ўз ўғлидай қаради унга,
Аскар тез орада хушига келди.
Гўё бу он кўнгли ярим онанинг
Фарзанди тирилиб қошига келди.

Она хурсанд эди, бахтиёр эди,
Аммо айланарди дунё тескари.
Унинг кўзларига термулган пайти
Билдики, бу йигит душман аскарни.

Аскар уй тўрида осиглиқ турган
Суратни кўрдию дарҳол таниди.
Ўқ теккандек бўлди кўксига бирдан,
Ахир бу йигитни отган у эди.

Бу дам тиг ботарди ҳар бир жойига,
Бўғзига тикилиб қолганди йиғи.
Кўз ёш-ла, тиз чўкди она пойига,
Кечиринг, деди у бор кучин йиғиб.

Бу дам “меҳмон”ига боққан онанинг
Юрагидан нелар ўтаётгандир.
Фақат шу сўзларни айта олди у:
“Бор болам, онанг зор кутаётгандир”.

Уруш

Жанг узоқ чўзилди,
Тўқилди кўп қон.
Қон бор эди ҳатто кўзлар ёшида.
Дунёни унутиб енгилган ўғлон
Йиғларди акасин қабри бошида.

Жанг узоқ чўзилди,
Тўқилди кўп қон.
Боқарди тоғлар ҳам қалтираб, чўчиб.
Жангда голиб чиққан аскар ҳам бу он
Йиғларди укасин жасадин кучиб.

ЮРАГИМДА БИР СЎЗ ЛОВУЛЛАР



Шахриёр ШАВКАТ

Орзу

То Искандар кўзгусига боқарман – сен кўрингайсан,
Кўзим дарчларин қаттиқ ёпарман – сен кўрингайсан,
Узугимни йитиргайман, топарман – сен кўрингайсан,
Майли, шодон, майли, ҳорғин кўрин менга, кўрин, сарвим!

Кўлларимни ёзиб ҳар кун гир айландим – соат бўлдим,
Гоҳи юпка намаз бўлдим, гоҳи минг-минг қават бўлдим,
Пар ўринда ноз уйқунгга ботиб турган нўхат бўлдим,
Ҳар на бўлиб кечди умрим, кўрин менга, кўрин, қумрим!

Йўлга тушдим, қолди жаннат, зора, заҳмат ширин, зора...
Хатм қилдим ҳижронингни қатра-қатра, пора-пора,
Бунча тордир, ситамзордир, қаро ғордир бу сайёра,
Булутларни кесди оҳим, кўрин менга, кўрин, моҳим!

Бош змадинг, олдим бош, етти иқлим сари кетдим,
Боғда ёмғир бўлди талош, икки қултум харид этдим,
Кўзларингга бир томчи ёш – чўкиб ўлдим, шахид кетдим,
Мудом ташна кўнглим тусар – кўрин менга, кўрин, кавсар!

Дилимнинг тўрида оғриқ, бироқ сендек муҳтараммас,
Малҳам босай десам – зулмат, ич-ичимдан нур таралмас,
Жонга тегди манов гурбат, бошқа гурбат истарам, бас,
Кўйиб кетсин тоғу мардум – кўрин менга, кўрин, дардим!

Узугимни йитиргайман, топарман – сен кўрингайсан...

Ёрни деб ўлган яшар

Кетдинг, оққуш, беҳаловат мунглигим, қайга сузиб?
Кўлдайин соф кўнғил ботқоқ бўлди-ку, найлар ўсиб,
Не топарсиз, эй одамлар, ойна кўл бирла тўсиб,
Не гуноҳга иқдор бўлсин кўйлаги бутун Юсуф?

Сизга фурқат базми ширин, куйса дил, жизза дейсиз,
Йиғласа ёр, кўзларига жом тутиб, бўза дейсиз,
Шўрлик ушшоқ, фиғон чекса, воҳ-воҳ-эй, мазза дейсиз,
Кўп соғингай, май ичинда киприги сузса дейсиз...

Қани, оққуш, сани нохуш довулдан ўзим тўссам,
Қаро ғордан учсанг, учсам, ишқ уза бирга сузсам,
Бунча хормиз, бемадормиз, ғуссам-эй, манинг ғуссам,
Жон узилгай, дийдорингдан бир замон умид узсам...

Сиз-чи, бедил, жоҳил авом, чўғдан ўт, кутма дейсиз,
Мажнун – осий, осийни ҳеч этагин тутма дейсиз,
Муқаддас дор ҳаром сенга, остидан ўтма дейсиз,
Фитна дейсиз, фитна дейсиз, воҳ, нечун, фитна дейсиз!

Дейсиз: Эй қул, бу жаҳонда бекўнғил бўлган яшар,
Нотавонмас, хуржунига арпа нон тўлган яшар,
Янглишарсиз!
Кимки хушвақт – дардлари улканлашар,
Аслида, чин дунёда чин ёрни деб ўлган яшар...

Аслида, чин дунёда чин ёрни деб ўлган яшар...

Кўл солиб чўнтагимга,
Кўлимдан ушлар эди.

Кун-туним япроқ эди,
Унсурим тупроқ эди.
Даромад камроқ, бироқ,
Каромат кўпроқ эди.

Кемамиз улкан эди,
Орзулар елкан эди.
Тишлари бор омадим
Кулгани-кулган эди...

Хур эмас, хулкар эди,
Кувласам хуркар эди.
Келмоғи – “Қадри наво”,
Кетмоғи – “Ўртар” эди.

Манзили Қашқар эди,
Дийдори Маҳшар эди.
Кўзларим кўрсам, куяр,
Кўрмасам, қақшар эди.

Қорсевар қишлар эди,
Боғ тўла ёшлар эди.

Хур эмас, хулкар эди,
Кувласам хуркар эди.
Келмоғи – “Қадри наво”,
Кетмоғи – “Ўртар” эди.



Дилноза КАМОЛОВА

* * *

Жиловланмас ҳисларим енгиб,
Юрагимда бир Сўз ловуллар.
Навоийдек топилмас тенги,
Шоирни йўқ юртлар хувиллар.

Сукут сақлаб бўлмайдик ортиқ,
Туркистонга бўлайлик ровий.
“Буюқ Тарих” қилмоқда тортиқ –
Самарқандда Имом Бухорий!

Тушларимда кўк кўрпасидан,
Юлдуз сочган Мирзо Улуғбек.
Пойи Калон қобирғасидан,
Дунёларга танилган ўзбек!

Мен бир оддий Китобнинг қизи,
Ўтдим майса сочин шоналаб.
Тоғларида пайғамбар изи,
Тошларини тердим доналаб...

Кўзни олар кўкда мис танга,
Кундузлари берибди чирой.
Кечалари муаллақ турган –
Балдоғимга ўхшар тўлин ой!

Эркинликнинг завқу шавқида,
Яшаялман қалбимда жаннат.
То ўлгунча Ватан ишқида,
Ёнмоқликнинг ўзи катта бахт!

Тўқнарик

момо монологи

Хув асрлар қатида,
Хув йилларнинг ортида,
Хув фасллар юртида,
Сенга мадаб бўлай деб
Лашкарларинг турибди,
Кўраясанми ўғлим!

Саф-саф бўлгин саф бўлгин,
Сен – Ватан тараф бўлгин!

Широқ бобонг ўнгингда,
Мангуберди сўлингга,
Темур бобонг йўлингга
Дуо бериб турибди,
Кўраясанми ўғлим!

Саф-саф бўлгин, саф бўлгин,
Сен Отанг тараф бўлгин!

Жадид қонин тўққанлар,
Босмачи, деб сўққанлар,
Юртинга кўз тикқанлар,
Гала бўлиб бугун ҳам
Тишин қайраб ётибди,
Кўраясанми ўғлим!

Саф-саф бўлгин, саф бўлгин
Сен Онанг тараф бўлгин!
Хув тоғларнинг ортида,
Хув саҳролар ортида,
Хув ўрмонлар ортида
Олов ёниб ётибди,
Кўраясанми ўғлим!

Саф-саф бўлгин, саф бўлгин
Сен Тинчлик тараф бўлгин!

Суянчинг, елкадошинг,
Қозоқ, қирғиз жондошинг,
Тожиқ, туркман қондошинг,
Она юртни асрашга
Биргамиз, деб турибди,
Кўраясанми ўғлим!

Саф-саф бўлгин, саф бўлгин
Сен Турон тараф бўлгин!



МАЪРИФАТЛИ КИШИЛАР

ҲИММАТИ БОРНИНГ ҲУРМАТИ БОР

Кимки кўлига мўмай пул тушса шаҳарнинг қоқ марказидан дангиллама иморат, ҳашамдор дўкон ёки шоҳона ошхоналар қураётган бир замонда карманалик 74 ёшли Бурҳон бобо Жўраев бутунлай бошқача йўл тутди. 50 йил давомида терган-тергилаган 10 мингдан ортиқ китобларини бир жойга тўплаб, хонадонининг бир қисмини катта кутубхонага айлантирди. Бу иши билан Карманадаги энг катта ва саҳий бойга айланди. Энг муҳими, китобхон отахон 74 ёшига қадар тўплаган китобларининг уч мингдан ортигини ўқиб чиқишга улгурган.



Кармана туманининг Боғимурод қишлоғидаги камтаргина ховлида яшаётган Бурҳон Жўраевнинг хонадонига меҳмонга келган Навоий кон металлургия комбинати касабаси уюшмаси кўмитасининг собиқ раҳбарларидан бири торроқ хонадаги қўлбола жавонга дид билан териб кўйилган китобларни кўриб ҳайратга тушди. Бир нечасини варақлаб, кўз югуртирган бўлди. Кейин бир пиёла чай устида Бурҳон бобо билан анча суҳбатлашди. Табиийки, китоб ва китобхонлик ҳақида гап кетганда, шартта дилидагини айтди: “Мана шу китобларингизни комбинат кутубхонасига берсангиз, оилангизга Навоий шаҳрининг қоқ марказидан икки хонали уй совға қиламан”, деди. Кейин меҳмоннинг бу таклифимга сўзсиз рози бўлади, деган уй билан бироз кутди. Аммо айтган гапи оғизда қолди.

“Хоҳлаганлар келсин, қизиқадиган китобларини ўқисин, қайтариб олиб келиш шарти билан уйларига ҳам бериб юборишим мумкин. Лекин ҳеч кимга сотмайман ва ҳеч нарсага алмашмайман”, деди ўжарлик билан. Қўлидаги пиёлани дастурхон четига тўнтариб қўйиб, комбинат санаторийидаги кутубхона учун текинга икки юз дона китоб совға қилишини хижолатомуз кайфият билан билдирди. Бундан бир йўла ўзининг ҳам, ўтирган жойида нигоҳини жавондаги китобларга қадаб ўй сураётган меҳмоннинг калби ҳам, сал бўлса-да, равшан тортадандек бўлди. Дўстона суҳбат, тоза ва самимий муносабат якунида меҳмонни хуш кайфият билан кузатиб қўйган Бурҳон бобо уйига қайтиб киргач, хотини хархаша қилди:

— Намунча ўжарлик қилмасангиз, яшашимизни қаранг, уйимиз мусичанинг индекси тор, кўримсиз. Худо бериб турган пайтда, нега унамадингиз-а? Сал ўйлаб иш қилсангиз-чи. Нима қиласиз бу китобларни? Мен ҳозироқ комбинатга бориб: “Биз китобларни уйга алмашишга розимиз”, дейман. Дарров кўчиб ўтамиз.

Эрининг баттар қайсарлиги тудди. Хотинига сен нимани биласан, дегандек бир ўқрайди-ю, кийимларини алмаштириб кўчага чиқиб кетди. Икки ўртада дили хуфтон бўлди. Берай деса, китобларини кўзи қиймайди. Бермай деса, ҳақиқатан ҳам уй-жойини сал-пал эпаккага келтириш керак.

Гапнинг нақдини айтганда, кўримсизгина бу хонадонда китоб ҳамма нарсдан кўп. Баъзан ўқитувчилар, баъзида ўқувчилар, онда-сонда давлат идораларида ишлайдиган кишилар, талаба қизлар, рўзғор ташвишлари билан уйга қамалиб қолган бехорчи аёллар китобга келиб туради. Хоҳлаганини топиб, олиб кетишади. Улар фақат раҳмат айтишдан нарига ўтмайди-

лар. Баъзи бировлар олган китобларини йиритиб, уринтириб-суринтириб ҳам олиб келади. Отахон афсус қилади. Аммо начора, беш бармоқ баробар эмас...

Бу оиланинг кутубхонаси катта хазина. Бундан бир неча юз йиллар бурун битилган, тайёрланган китоблар ўтмишдан, бугундан, келажакдан сўзлайди. Ибн Сино, Беруний, Жомий, Навоий, Бобур, Нодира, Оғаҳий, Машраб, Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Пиримқул Қодиров асарлари, замонамиз адиб ва шоирларининг бетакрор битиклари, Конфуций, Ницше, Хемингуэй, Мопассан, Толстой, Достоевский, Чехов, Пушкин, Чингиз Айтматовларнинг қимматбаҳо дурдоналари кишининг ҳавасини келтиради. Кутубхонага кирсангиз, бу хонадонда яшаётганлар китоб ўқишдан, китобларни асраб-авайлашдан бошқа иш ҳам қилармикан, деган хаёлга бора-сиз. Хадича момо: “Уйимиз савил салгина торроқ-да” деса, хўжайини: “Кўнглингни кенг қил, уйинг тўла одам-ку, дурустроқ қарагин атрофга”, дейди ҳазиллашиб.

Яқинда кекса китобхон билан танишиш мақсадида Карманадаги бу хонадонга мен ҳам минг истихоло билан ташриф буюрдим. Ёши етмиш тўртга етса-да, ҳамон велосипедда қишлоқ кезадиган отахондан: “Йиққан китобларингизни шаҳарнинг қоқ марказида қурилган янги уйга алмашмаганингизни тушуниш мумкиндир, аммо вилоят ҳокимининг ҳовлингизда кутубхона қуриб бериш режасига нима учун унамадингиз?” деб сўрадим. Отахон гап ўзанини бошқа томонга бурди. Олий ўқув юртида таҳсил олмаганингиз боис фарзандларини ўқитиш учун кечаю кундуз ишлаганини, кампирининг қистовларига кўнмай жуда тўғри иш қилганлигини завқ билан айтиб берди.

Ўрни келганда мендан уйимизда қанча ва қандай китоблар борлигини суриштирди. Адабиётни, фалсафани, одамийликни, инсоф ва диёнатни, ўз миллийлигимизни севишни ва унутмасликни маслаҳат қилди. Ўзининг ҳаётини китоб билан боғлаш осон бўлмаганини қайта-қайта тақоррлади.

Хайрлашаётганимизда ҳовлиснинг кираверишида ўғли қураётган иморатнинг битта хонасини янги кутубхонага айлантириш нияти борлигини айтди.

Чекка бир қишлоқда камтаргина яшаётган ва бор-йўғи ўрта маълумотли отахоннинг шунча китоб йиққани, ҳали-ҳамон завқлиб ўқишда давом этаётгани кўп қатори мени ҳам ҳайратга солди.

Нормурод МУСОМОВ

КЎРГАЗМА



ҲАҚИҚАТГА ЭЛТУВЧИ “ХОТИРА ЙЎЛАГИ”

Бугун жадидлик ҳаракатининг бошланиши, мазкур ҳаракатнинг етук намояндлари ва уларнинг издошлари ҳаёти ҳамда фаолиятига қизиқиш ҳар қачонгидан ҳам ортмоқда. Қуни кеча пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида очилган “Хотира йўлаклари” кўргазмаси ҳам Туркистондаги жадидлик ҳаракати ва унинг намояндлари фаолиятига бағишлангани билан нафақат санъат мухлисларида, балки пойтахт аҳолиси ва меҳмонларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Кенг кўламда намойиш этилаётган мазкур экспозицияда XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Туркистон тарихи, хусусан, эъло жадидлар томонидан ўтказилган таълим соҳасидаги ислохотлар, уларнинг жамиятни ривожлантириш борасидаги қарашлари ҳамда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги интилишларига доир асл манбалар, ҳужжатлар намойиш этилмоқда.

Жадид боболаримизнинг ҳаёти фожияли якун тоғани назарда тутилган ҳолда кўргазма “йўлак” шаклида ташкил этилган ва ҳар бир “йўлак” музейга келувчиларни бир бўлимдан иккинчи бўлимга гуё вақт оралтириб олиб ўтаётгандек туюлади.



Маълумки, жадидларнинг асосий мақсади халқ ҳаётини яхшилаш, саводхонликни ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби ҳаётини масалаларни дунёнинг тараққиётга юз тутган давлатлари даражасига кўтаришдан иборат бўлган. Зеро, жадидлар дунёнинг турли мамлакатларида, жумладан, Европа давлатларида, Яқин Шарқда, Туркияда бўлиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб, миллий-маънавий қадриятлар асосида яшаш лозимлигини кўрдилар ва бундан тегшли хулоса чиқардилар.

Кўргазмани шакллантиришда жадидликнинг бизнинг ҳудудимизда шаклланишига омил бўлган шарт-шароитларга, жумладан, юртимизда ушбу ҳаракатнинг олдинги сафларида борган Фитрат, Чўлпон, Беҳбудий, Мунавварқори каби улуг юрдошларимиз фаолиятини чуқур ёритишга эътибор берилган. Шу билан бирга, кўргазмада ўша даврда яшаган аҳолининг аҳоли, мактабларнинг ташкил этилиши, театр санъатига эътибор каби мавзулар ҳам факт ва суратлар мисолида кенг намойиш этилган.

Айнан жадидлик ҳаракати ва унинг намояндлари ҳаётига бағишланган бу каби кўргазмалар ёш авлодни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, эъозлаш руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши сир эмас. Янги Ўзбекистонни бунёд этишга, янгича фикрлашга киришган эканмиз, бугун ҳам ёш жадидларга эҳтижмиз бор.

Г.ФАЙЗИЕВА

АКС САДО

“Жадид” газетасининг 2-сонидан эълон қилинган Гўзал Халилованинг “Тиниқ осмон, яшил макон” мақоласи кўпдан бери йўлаб юрганларимни қоғозга туширишга туртки берди.

Биласиз, сайёрамизда Швеция деган давлат бор. Бу давлат кўп йиллардан бундан дунёдаги энг фаровон мамлакатлар ўнталигидан жой олиб келади. Айрим олимлар фикрича, бунга сабаб мамлакат аҳолисининг “Лагом”га мувофиқ яшашлари экан.

Швецияликларнинг одоб-ахлоқ нормалари, турмуш тарзини белгилаб берувчи асосий одобномаси, қўлланмаси “Лагом”, деб аталади. “Лагом” фалсафаси викинглар давридан қолган, дейишади. Сўзининг ўзи ҳам “лагетом” — “айлана бўйлаб узатиш” сўзлари бирикмасидан келиб чиққан экан. Қадим замонларда маросимларда асал ва мевалардан тайёрланган шарбат идиши доира бўйлаб узатиш экан. Бу идишдан ҳар ким бошқаларга ҳам етишини мўлжаллаб ичиши керак бўлади. Яъни бу дастурхон атрофида сендан бошқалар ҳам бор, ўзингдан бошқаларни ҳам ўйла, худбинлик қилма, деган қатъий тамойилни ўзида жамлаган бу одат кейинчалик пайдо бўлган шведлар одобномаси — “Лагом” учун асос бўлиб хизмат қилган. “Лагом” сўзи ҳозирда “етарли”, “етарлича”, “муқобил”, “тўғри”, “муътадил”, “мувозанат”, “оптимал”, “мос”, “кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас” каби сўз ва иборалар орқали таржима қилинади. Бу эҳтиёткорлик, оқилоналик, тўғрилиқ, муътадиллик каби тушунчаларни ўзида жамлайди. Шведларда ижтимоий ҳаётдаги салбий ўзгаришлар “Лагом” тамойилидан четга чиқиш сифатида қаралади. Яъни одамлар қилган ишлари “Лагом”га тўғри келиш-келмаслигига қараб баҳоланади. Иши, тутуми ўз одобномаларига тўғри келса — яхши, тўғри келмаса — ёмон. Ушбу бутун бошли фалсафанинг ўзаги барча нарсда муътадиллик, кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас, айнан

керагича миқдорга эгалик ва тасарруф қилишдир. “Лагом” усулидаги ҳаёт эса, оддий ва ортиқча ҳамда қалбаки буюмларсиз турмуш тарзи дегани.

Ана шу миллий қоидалар мажмуи шведлар ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган. Ҳар бир соҳада — хизмат, муносабатлар, интерьер дизайн, услубда шведлар шунга мувофиқ иш тутишади.

Швецияликлар вақтини табиат кўйида ўтказишни хуш кўришар экан. Ҳар бир киши атрофдагиларнинг тинчлигини бузмаган ҳолда эркин сайр этиши, кўзиқорин ва мевалар териши, исталган ерда чодирлар ўрнатиши мумкин. Шунинг учун шведлар ҳар қандай об-ҳавода ҳам шаҳар ташқарисига чиқиб, сайиллар уюштиришади. Таътилларини ҳам кўпроқ ўз юртида ўтказадилар. Дала ҳовли ёки ёзги уйларида кетишади, у ерда кун бўйи мутолаа қиладилар, чўмиладилар, стол уйинларини ўйнайдилар ва, энг асосийси, ҳеч қаерга шошилмайдилар.

2016 йилда ёввойи табиат фонди тадқиқот ўтказиб, доимий равишда табиат кўйида дам оладиганлар ўзларини бахтлироқ ва соғлом ҳис этишларини аниқлади. Бошқа тадқиқот ҳам бундай саёҳатлар вақтида одам хотиржам бўлиб, руҳий юксалиши ва ижод билан шуғулланишга мойиллиги орттишини кўрсатган.

Хуллас, инсон табиат бағрида ўзини бахтли сезади. Зеро, одамзод ҳам шу табиатнинг бир қисмидир. Муҳими, табиат кўйида бошқаларга зиён етказмай



сайр қилиш, дам олиш бахтли одамлар мамлакатининг асосий амал қиладиган қоидалари мажмуида белгилаб қўйилгани. Юқоридагиларни ёзишдан мақсад, шведлар она табиатга зиён етказмасликни, сувни ифлосламасликни одоб-ахлоқ меъёри сифатида билишларини айтиш эди.

Эсингизда бўлса, узоқ ўтмишда эмас, яқин-яқинларгача кексалар “Сувга тупурма!” деб насиҳат қилишарди. Сув ичиб

бўлгач, Худога шукр дейиш керак, деб ўргатишарди. Балки ҳозир ҳам бундай насиҳат берадиган кексалар бордир. Лекин бу гапларга амал қиляпмизми? Амалдаги ҳолат эса, бунинг том маънода тексарисини кўрсатиб турибди-ку. Тўғри, саноат корхоналари ишлаяпти, машиналар кўп. Ахир, шуларсиз ҳам яшаб бўлмайди-да. Бироқ шаҳар оралаган арик, дарё ва каналларнинг сувлари чиқиндига тўлиб кетганига ким айбдор?

Сув маиший чиқиндиларни, сигарет қолдиқларини, баклашкаю целлофан пакетларни ташлайдиган жойми? Сув неъмат эмасми?! Боғлар, гулзор ва майсазор майдонларда дам олиб тексарисини кўрсатиб турибди-ку. Тўғри, саноат корхоналари ишлаяпти, машиналар кўп. Ахир, шуларсиз ҳам яшаб бўлмайди-да. Бироқ шаҳар оралаган арик, дарё ва каналларнинг сувлари чиқиндига тўлиб кетганига ким айбдор?

дан ўрганганидан халқ эдикми? “Боғи фирдавс латиф аст, валекин зинҳор Ту ғанимат шумур ин сояи беду лаби кишт” (Фирдавс боғи, дарҳақиқат, латифдир, лекин сен зинҳор мана шу экинзор бўйи ва тол соясини ғанимат тут) каби байтларни айтган ҳазрат Ҳофиз шарқлик эмасми?! Бундай байтларни ёд айтиб юрганлар шарқликлар эмасми?! Амир Темури биргина Самарқанд атрофида қанча боғ тиклаганини яхши биламиз-ку. Ҳазрат Навоийнинг табиати васф этган мисраларини тиклаган боғ-роғлари ибрат эмасми?!

Билгичлар айтадики, қонни тозаласа, танадаги дардлар ариқан. Табиатни, атроф-муҳитни бир вужуд деб қарайдиган бўлсак, унинг ҳам қонини тозалаш орқали дардларини аритса бўлар. Зеро, табиатнинг томирлари жилға, ариқ, дарё ва денгизлар бўлса, бу томирлардаги қон эса шу ўзанларда оқиб келиб, барча мавжудот тирикчилигини таъминлайдиган сувдир. Демак, сув тоза бўлса, ифлосланмаса, ҳаво ҳам тозаланади, ифлосланмайди.

Сувни ифлосламасак, атрофни чиқинди майдонга айлантирмасак, тўрт энлик яйдок еримиз бўлса ҳам, экин эксақ, кўчат ўтқазсак, ҳаво ҳам тозаланиб, осмонимиз губор-чанглардан холи бўлармиди. Биз ҳам ўзимизга насиб этган шундай жаннатноманд юртда яшаб туриб, мусалло табиатимиз бағрида ўзимизни бахтиёр сезаримдик. Ахир, инсон бахтиёрлигининг, фаровонлигининг бош омили табиат билан бевосита боғлиқ экан-ку.

Биз ҳаммамиз бир дастурхон атрофида ўтирган викинглардекмиз. Унутманг, бу “дастурхон” атрофида сиздан бошқалар ҳам бор, бу “дастурхон”да биздан кейинги авлодларнинг ҳам ҳаққи бор!

Мансур ЖУМАЕВ



ЖАДИДУНОСЛИК

ИККИ ЖАДИД ҲАҚИДА БИР МУЛОҲАЗА

Хоразмдаги жадидлик ҳаракати ва унга мансуб сиёсий ҳаракат — “Ёш хиваликлар”нинг намояндлари орасида Бобоохун Салимов ва Бекжон Раҳмон бошқа сафдошларидан иждоқорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Бобоохун Салимов (1873-1929) отаси Салимохун вафотидан сўнг, 1912-1916 йилларда Хива хони қозикалони бўлган. Шунингдек, Полвонниёзхожи Юсупов, Назир Шоликоров, Худойберган Девонлов, Султонқори Жуманиёзов сингари “Ёш хиваликлар” ҳаракатининг аъзоси, 1920-1924 йилларда эса, Хоразм Халқ Республикасида адлия номири, РСФСРга юборилган дипломатик миссия раҳбари, Афғонистонда элчи ва бошқа вазифаларда фаолият юритган.



“Ожизо” тахаллуси билан ижод қилган Бобоохун Салимов шеърларида мустамлакачилик асорати даврига хос маҳзунлик, жамиятдаги воқеликларга реал баҳо бериш акс этади:

*Ожизо, зор кўнгилаб,
Бўлди хандон оқибат.
Бизларга зулм этганлар,
Бўлди яксон оқибат...*

1920 йили хонлик тугатилиб, Хоразм Халқ Республикаси ўрнатилган, жадидлар ғоясини амалиётга жорий этиш имконияти пайдо бўлган эди. Бобоохун 1922 йил февраль ойидан Хоразмда маориф ва маданият нозирлигида мактаблар учун янги ўқув қўлланмалари яратиш комиссиясининг раиси бўлиб ишлаш бошлади. Бу вазифада ишлаб туриб, ўзи ҳам мактаблар учун “Алифбе” ва “Ўқиш” китобини, маслакдош жадид биродари Бекжон Раҳмон билан ҳамкорликда ўқув қўлланмалар ёзади. Унинг “Мактаб” сарлавҳали шеърда халқ таълими учун сидқидилдан ишлаган жадид зиёлисининг ёрқин қиёфаси акс этган:

*Хушдур не бало ҳавойи мактаб,
Жон ўлса раво фидойи мактаб.
Мактаб демаки мадорни илмдир,
То илм иладур бақойи мактаб.*

*Хоразм элин айлағай мунаввар,
Нури қамари саймоғи мактаб.
Мингдан бирини тугатмас Ожиз
Юз йил деса ҳам санойи мактаб.*

Бобоохун Салимов 1924 йилдаги миллий чегараланишдан сўнг сиёсатдан чекиниб, Гурлан ва Манғит худудларидаги ерларида деҳқончилик қилиб, тақдир

синовларини бошдан кечирган ва 1929 йили вафот этган.

Фитрат, Чўлпон сингари жадид намояндalари билан сафдош, маслакдош бўлган яна бир хоразмлик жадид Бекжон Раҳмон илк бор “Инқилоб қўёши” газетасига асос солган журналист ва муҳаррир, адабиётшунос ва фольклоршунос, Ичан қалъа музей кўриқхонасининг ташкилотчиси, мактаблар учун дарслик, ўқув қўлланмалари ёзган педагог сифатида тарихда қолган.

Фитрат “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” асарида Бекжон Раҳмон ҳамда Муҳаммад Юсуф Девонзоданинг асаридан ғоят таъсирланганини ёзган ва бу китобнинг мусиқашунослиқдаги аҳамиятига юксак баҳо берган.

1887 йили хон маҳрамларидан бўлган Раҳмонберган оиласида туғилган Бекжон болалигидан илму маърифатга интилиб воғяға етади. Отаси Раҳмонберган Хива хонлиги тарихида ишловчи бош вазир Исломуҳожанинг маслаҳатига кўра, ғайратли ўғли Бекжонни Истанбулга ўқишга юборади. Бекжон 1913 йилнинг июлидан 1918 йилгача Истанбул университетиде тахсил олади.

1920 йили хонлик тугатилиб, Хоразм Халқ Республикаси барпо этилган, “Ёш хиваликлар” қатор ислохотчи сафдошлари билан ҳукумат таркибига кира

ди. Дастлаб Маданият, сўнгра Халқ маорифи номири, кейин ХХР марказий ижроия қўмита иш бошқарувчиси бўлади. Бекжон Раҳмон маданият номири сифатида 1920 йили Хоразмнинг ўтмишдаги маданияти ва осори-атиқаларини келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш мақсадида халқ маданияти музейини барпо этади ҳамда унга раҳбарлик қилади. Шунингдек, 1923 йили Хоразмда илк бор мусиқа мактабини ташкил этиб, воҳа мусиқа назарияси ва тарихи, Хоразм мақомлари ҳамда усуллари, нота ёзувининг ихтиро қилинишига оид “Хоразм мусиқий тарихчаси” китобини Девонзода билан бирга ёзиб, Москвада нашр эттиради.

Бекжон Раҳмон “Инқилоб қўёши” газетасидан ташқари, 1920-1924 йилларда воҳада нашр этилган “Қизил Хоразм”, “Маориф”, “Хоразм хабарлари”, “Ёрдам”, “Ёшлар овози”, “Ишчилар товуши”, “Қопқон” сингари газеталарни ташкил этишда бош-қош бўлади. Бу нашрларда Фақирий, Комил Девоний, Мутриб, Роғиб сингари шоирларнинг шеърэ фазалларини чоп этиради, адабиётшунос сифатида адабий таҳлилий мақолалар ёзади.

1923 йили “Оталар сўзи” номли китобини нашр қилдириб, унга хоразмликлар орасида кенг тарқалган мақол, ҳикматларни киритган. Мазкур тўпламда “Эртага ош қолса — давлат, иш қолса — меҳнат”, “Давлат — оғзибирчилик”, “Роҳат — меҳнатнинг оқсиди”, “Ўтти қовласанг ўчар, қўшнини қовласанг кўчар”, “Ўғри бойимас, ёлғончи ёлчимас”, “Онасини кўр, қизини ол, қироғини кўр, бўзини ол” сингари панд-насихат руҳидаги олти юзга яқин мақол ва ҳикматли сўзлар жамланган.

Халқ маорифи номири бўлиб ишлаган пайтида Бекжон Раҳмон воҳада янги мактаблар ташкил қилиш, узок овуллардаги болаларни мактабга жалб этиш, таълим масканларини ўқитувчилар билан таъминлашда жонқуярилик қилган.

Бекжон Раҳмон 1920 йил 13 ноябрда Бухоро ва Хоразм республикалари



УМИД БЕКМУҲАММАД,
Хоразм Маъмур академияси
катта илмий ходими

ўртасида дўстона ҳамда иқтисодий, маданий алоқаларга доир шартномани тузишга раҳбарлик қилган дипломат эди. 1924 йили ўтказилган миллий давлат чегараланишидан кейин ХХР тугатилиб, Хоразм округи ташкил этилган, Бекжон Раҳмон 1925-1926 йилларда округ маориф бўлими мудирлиги вазифасида ишлайди. Кейин жадид дўстларидан, ўша вақтда Ўзбекистон халқ комиссарлари советининг раиси бўлиб ишлаётган Фаёзулла Хўжаевнинг таклифига кўра, Самарқандда ташкил этилган Фан қўмитасида фаолиятини давом эттиради.

Шу даврда чиқиб турган “Аланга”, “Ер юзи” журналларида адабиётшунослик, тилшуносликка оид мақолаларини чоп этириб, республиканинг олд зиёлиларидан бири сифатида танилади. 1926 йил 26 февраль — 5 март кунлари Боку шаҳрида ўтказилган Биринчи Туркология қурултойида қатнашиш учун Ўзбекистон делегацияси таркибига киритади. Бу қурултойида дунёнинг машҳур 131 нафар олим қаънаган. Ўзбекистондан Ашурали Зоҳирий, Элбек, Раҳим Иноғомов, Фози Олим Юнусов, Назир Турақулов, Шокиржон Раҳимий, И.Садрий, А.Абдуҷабборов қаторида Бекжон Раҳмон ҳам бор эди.

Умуман, Хоразм жадидлари орасида Бекжон Раҳмон ва Бобоохун Салимов ўзларининг иждоқорлиги билан ажралиб турган. Афсуски, ҳар иккала жадид зиёлиси бир йилда — 1929 йили бевақт вафот этишди. Аниқланган ижод намуналари уларнинг илмий-ижодий салоҳияти юқори эканини кўрсатади. Хоразмлик жадид иждоқорларининг ҳаёти, ижодини тадқиқ қилиш борасида алоҳида изланишлар давом этиши лозим.

ХОТИРА АЗИЗ

(Бошланиши ўтган сонда.)

Хўжаев Муҳаммаджон 1898 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, собиқ савдогар, “Миллий иттиҳод” миллатчи, аксилнқилобий ташкилоти аъзоси, 1931 йили аксилнқилобий фаолияти учун олий жазога ҳукми этилган, кейин 10 йил қамоқ жазосига ўзгартirilган, хибсага олинган вақтда магазинда кассир эди. Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 1726-сонли иш бўйича отувга ҳукми қилинган. Аҳоли орасида аксилнқилобий, миллатчи сифатида тарғибот олиб борганликда айбланган.

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

Сайфутдинов Сотиболди 1886 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, савдогар ўғли, 1917–1918 йилларда аксилнқилобий, миллатчи, “Шўрои Исломи” ташкилоти аъзоси. Қўқон мухторияти даврида қуролли гуруҳлар ташкил этиш ишларини олиб борган. 1919 йилдан “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси. 1927 йили бир вагон пиллани ноқонуний сотиб юборгани учун 6 йил қамоққа ҳукми этилган, 1936 йили аксилнқилобий фаолияти учун қамоққа тушган, хибсага олинган вақтда қишлоқ магазини директори эди. Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1635-сонли иш бўйича отувга ҳукми қилинган. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда ва “халқ душманлари”ни мақтаганликда айбланган.

Шокиров Мирзахон Махсум 1888 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, собиқ савдогар, 1918 йили “Шўрои Исломи” аксилнқилобий, миллатчи ташкилотининг аъзоси бўлган, Қўқон мухторияти даврида гуруҳлар ташкил этишда иштирок этган. 1919 йилдан аксилнқилобий миллатчи “Тараққийпарвар” ташкилотининг аъзоси, қулоқ қилинишдан қочган, хибсага олинган вақтда ҳаммомда қоровул бўлган. Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1678-сонли иш бўйича отувга ҳукми этилган. Аҳоли орасида аксилнқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, СССР даги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Қосимов Хошим 1882 йили туғилган, Киров райони Хўжибек қишлоғидан, қулоқ қилинган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукми этилган, хибсага олинган вақтда кооперацияда қоровул бўлган. “Миллий иттиҳод”, “Шўрои Исломи” аксилнқилобий ташкилотларига аъзо бўлганликда, доимий равишда қолхозчилар орасида қолхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

Ғиёсов Сирожиiddин 1900 йили туғилган, Наманган шаҳридан, “Миллий иттиҳод” аксилнқилобий гуруҳи аъзоси, хибсага олинган вақтда “Ўзбектор” дўкони мудирлиги бўлган. 3378-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат-тузатиш лагерига юборилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида доимий равишда исёнга даъват ва аксилнқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

Аҳмад Қори Тожихўжаев 1887 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ савдогар, ўтмишда “Миллий иттиҳод” ва “Нашир Маориф” миллатчи аксилнқилобий ташкилотлари аъзоси бўлган, хибсага олинган вақтда артел бўёқчиси эди. 3440-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатиш лагерига ҳукми этилган. Жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида доимий равишда миллатчилик, аксилнқилобий тарғибот олиб борганликда, террористик кайфиятда бўлганликда айбланган.

Мир Обид Махсумов Ҳўрмат 1885 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ савдогар, судланган, хибсага олинган вақтда раймижроқумда ишчи, ўтмишда собиқ полициячи ва “Миллий иттиҳод” миллатчи аксилнқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. 4953-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат-тузатиш лагерига ҳукми этилган, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган. Атрофдагилар орасида аксилнқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматиға қарши курашга чақирганликда, революциядан олдинги тузумни мақтанганликда айбланган.

Аҳмедов Ҳайдар 1905 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, қулоққа тортилган, қатагондан яширинган, “Миллий иттиҳод” миллатчи аксилнқилобий ташкилотининг собиқ аъзоси, хибсага олинган вақтда хизматчи бўлган, жазо муддати 1937 йил 15 сентябрдан ҳисобланган. Қолхозчилар орасида миллатчилик руҳидаги аксилнқилобий тарғибот олиб борганликда, СССР даги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтанганликда айбланган.

Махмудхўжаев Бўрихўжа 1880 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, савдогар, “Миллий иттиҳод” миллатчи аксилнқилобий ташкилотининг собиқ аъзоси, хибсага олинган вақтда хизматчи бўлган. 2321-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат-тузатиш лагерига ҳукми қилинган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан бошланган. Атрофдагилар орасида доимий равишда миллатчилик руҳидаги аксилнқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтанганликда, “Миллий иттиҳод” аксилнқилобий ташкилотининг таниқли аربоблари билан алоқдорликда айбланган.

0740-сонли иш бўйича фақат андижонликлардан 28 киши устидан ҳукми чиқарилган. Уларнинг барчасига “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси, деган айб қўйилиб ҳукми чиқарилган. Уларни айнан келтирамиз:

Ниязов Хасанхон 1895 йили Андижон шаҳрида туғилган, отаси эшон, мулкдор бўлган, ўзи ҳам эшон, Маҳкамхожи тўдасида фаол иштирок этган, хибсага олинган вақтда ўқитувчи бўлган. Унга аксилнқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг раиси бўлиб, унинг аъзоларини йиғилишларини ташкил этганликда, ВКП(б) ва совет ҳукуматининг сиёсати тўғрисида аксилнқилобий маълумотлар тарқатганликда, “Мусулмонобод”ни ташкил этиш ҳақида гапирганликда, мағлубиятчилик характерида аксилнқилобий ташвиқот олиб борганликда айбланган. 1931 йили танқил миллатчи аксилнқилобий аربоб Мусо Журуллонинг хорижда чиқиб кетишини ташкил этган. Ниязов Хасанхоннинг мол-мулки мусодара этилиб, ўзи отувга ҳукми қилинган.

Бўрхон Машрабий 1900 йили Андижон шаҳрида туғилган, савдогар оиласидан, Маҳкам кўрбоси тўдаси иштирокчиси, аксилнқилобий миллатчи ташкилот аъзоси. 1923 йили қамоққа олинган, хибсага олинган вақтда ўқитувчи бўлган. Унга аксилнқилобий йиғинларнинг фаол ташкилотчиси, аксилнқилобий, фашистча тарғибот олиб борганликда айбланиб отувга ҳукми этилган.

Ҳайдаров Абдуҷалил 1889 йили Андижон шаҳрида руҳоний бой оиласида туғилган, ўзи собиқ савдогар, 1933 йили қулоққа тортилган, “Миллий иттиҳод” аксилнқилобий ташкилот аъзоси, аксилнқилобий фаолияти учун 1922 ва 1923 йилларида 2 марта қамоққа олинган. Хибсага олинган вақтда кўрлар жамиятида хизмат қилган. Аксилнқилобий йиғинларнинг фаол иштирокчиси ва ташкилотчиси сифатида доимий равишда аксилнқилобий тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги аҳвол тўғрисида туҳматона фикрлар тарқатганликда айбланиб отувга ҳукми этилган.

Қораманчиев Абдумутталиб 1897 йили Андижон шаҳрида туғилган, катта бой, савдогар оиласидан, 1930 йили қулоққа тортилган. “Миллий иттиҳод” миллатчи аксилнқилобий ташкилотининг аъзоси, бу фаолияти учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукми этилган, сурғунда бўлган, ўтмишда Маҳкам Кўрбоси бошлиқ босмачилар тўдасига қўшилган. Хибсага олинган вақтда давлат уруғчилик фонди дўкони мудирлиги бўлган. Унга аксилнқилобий гуруҳларнинг фаол иштирокчиси ва ташкилотчиси экани, Совет ҳокимиятиға қарши курашга чақирганликда, халқ душманларини отилишиға раҳмдиллик кўрсатгани, “Миллий иттиҳодчилар”, троцкийчилар ва бухаринчилар отилаётганлида, уларға раҳмдиллик кўрсатганликда айбланган, отувга ҳукми этилган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарихи фанлари доктори, профессор,
Нигорхон АКБАРОВА,
илмий ходими

(Давоми келгуси сонда.)

МУНОСАБАТ

ШУНДАЙ КУТУБХОНА АЛБАТТА КЕРАК

“Жадид” газетасининг чоп этилаётгани муносабати билан оиламиз номидан барча ватандошларни чин қалбдан муборакбод этамиз.

Газетада босилган “Турон” жадид кутубхонаси бунёд этилса...” мақоласидаги таклиф бизга жуда манзур бўлди.

Ҳар бир китобсевар инсон бу таклифни қўллаб-қувватлайди, бу кутубхона келажак авлодимиз учун ноёб

зиё маскани бўлиб қолади.

Жадид кутубхонаси ташкил қилинса, албатта, биз — Эркин Воҳидов оиласи ҳам айрим тарихий, жадидлик ҳаракатига тааллуқли китоблар билан ўз ҳиссамизни қўшамиз...

Янги кутубхонада зиёлилар адабий мерос жамғармасини ташкил этишни ҳам тавсия қилган бўлар эдик.

Нозима ВОҲИДОВА

Бизнинг буюқ маърифатпарвар боболаримиз ўз ишларини янги мактаб ва кутубхоналар очишдан бошлаган. Туркистоннинг Бухоро, Хива, Қўқон, Наманган, Тошкент ва бошқа шаҳарларидаги жадидлар очган кутубхоналарда аҳоли, айниқса ёшлар (мактаб ўқувчилари ва мадраса толиблари) жадид газеталари ва китоблар билан танишганлар. Бу кутубхоналар ўзаро фикр алмашув учун катта имкониятлар яратган.

1918 йилда жадидлар ўз кучлари, ўзларининг китоблари билан Тошкентда “Турон” кутубхонасини очишган. Бу кутубхонада араб имлосидаги кўплаб китоблар жамланган. Жадидларнинг ўз кутубхоналари ҳам каттагина бўлган. Биргина Шокиржон Раҳимийнинг

уйида XVIII – XIX асрларда чоп этилган мингдан ортиқ китоб, қўлёзма ва хариталар бор эди. Кўплаб маърифатпарварларнинг китоблари қатағон даврида йўқ қилинди.

Жадид кутубхонасига эҳтиёж бор ва буни ташкил қилиш лозим. Аҳолининг қўлида кўплаб қадимий

китоблар сақланётгани шубҳасиз. Мен кексаю ёш фидойи юртдошларимизни янги кутубхона очилишида фаол иштирок этишга чақираман. Ўзим Шокиржон Раҳимийдан мерос — 1913 йилда чоп этилган “Тарихи муқаддас” ва 1925 йилда нашр қилинган “Совға” номли китобларни топшираман.

Бу кутубхона фарзандларимиз билим оладиган чинакам хазина бўлади.

Улфат СОБИРОВ,
меҳнат фахрийси



ТАҲРИРИЯТДАН: Газетамизнинг илк сониде эълон қилинган филология фанлари доктори Баҳодир Каримовнинг “Турон” жадид кутубхонаси бунёд этилса...” сарлавҳали мақоласида билдирилган таклифлар кўпчилиқда жиддий қизиқиш уйғотди. Жумладан, устоз Абдулла Аъзам ўз чиқишларида: “Ҳурматли маърифатпарварлар, миллатпарварларнинг ворислари, бу таклифни қўллаб-қувватлайлик, имкони бўлса, биносини ҳам тиклайлик”, дея юртдошларимизни кутубхонани китоблар билан бойитишга, қолаверса, янги кутубхона бунёд этишга чақирди. Шу сингари таклифлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.



АМИРНИНГ АҲВОЛИ ТАНГ ЭДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Бу пайта Маҳмудхўжа Бехбудий Самарқанд мусулмонлар ижроия қўмитасининг иккинчи раиси лавозимида эди. Мурожат Самарқанд ижроия қўмитаси мажлисида муҳокама қилинади ҳамда Бухорога беш кишидан иборат вакил жўнатишга қарор чиқарилади. Мақор беш нафар вакилнинг етакчиси М.Бехбудий эди.

Хозирги тил билан айтганда, расмий делегация 6 апрель куни Бухорога етиб боради. Эртаси эрталабдан меҳмонлар Аркка, бир оз ўтгач, "Раҳимхоний" меҳмонхонасига таклиф қилинади. Шундан кейин рўй берган воқеалар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Бухоро воқеалари ва дафъи тухмат" мақоласида бамисоли кино тасмасига муҳрлангандек ўткир нигоҳ ва изчиллик билан батафсил тасвирланган.

Хуллас, "тўртдан уч ҳиссаси уламо ва ақобири Бухоро ва таъбаа билан тўлган" кенггина меҳмонхонага амир кириб келади. Манифест ўқиб эшиттирилади ва маросим тугалланади. "Бухоро воқеалари..." ни ўқиймиз:

"Амир яна элчилар ила ва биз билан борган икки нафар уврупоий ила қўл узотиб кўрушди. Биз икки нафар мусулмон-да мунтазир эдукки, қўл узатсалар, токи зиёрат қилса. Ва илло, олий хузурда ҳаммамиз аралаш турган эдук. Фолибо, салла ва чопонларимиз зарар келтурди. Амир ҳазратлари на аввалда ва на охирида, агарчи бир қалима бўлсун, сўйламасдан фуран чиқиб кетди..."

"Бу Бехбудий асарининг энг қизик жойларидан бири, – деб ёзадилар Иброҳим Ғафуров. – Яна ёруғ оламни ўзинг тушунмаган ва тушунишни истаган саволларга тўлдириб ташлагинг келади. ...Амир ҳазратлари нега "уврупоийлар"-га алоҳида эътибор бериб, иззаат-хурмат кўрсатдилару, ўз миллатдошларига келганда, улардан юз ўғирдилар?"

Нега амир ҳазратлари замонасининг танкичи адиби бўлиб танилган, "Падаркуш"и илбепён Туркистоннинг барча пучмоқларига овоза бўлган, ўткир мақолалари ва саҳнаномалари барча миллатпарварларнинг тузалмас жараҳатларига доруий шифо каби таъсир қилган Маҳмудхўжа Бехбудийдек бир мунавар сиймони танимагандек бўлиб ўтди?"

Устоз И.Ғафуровни мутаассир қилган нуқта шу: нима сабабдан амир Бехбудийни писанд этмади? Унга қўл узатмади? Ундан юз ўғирди?..

Бадиа муаллифига ҳеч қандай эътироз йўқ, лекин вазиятни бошқа бир нуқтадан, бошқа бир заррабин орқали кузатиб, таҳлил қилишга уриниб кўрайлик. Эътиборни амир Олимхон шахси-шахсиятига, ўша кундаги унинг аҳвол-руҳиясига қаратайлик. Тарихий вазиятни назардан қочирмайлик.

Амир Саид Олимхондан қолган ёзма мерос бўлмиш "Бухоро халқининг ҳасрати тарихи" ёдномасида баён этилган

нидек, амир болалик чоғларидан отаси Саид Амир Абдулахадхон ёнида яшаган, падари бузрукворининг иш тутимларини кузатган, улардан ўрнак олган, "...диёнат илми ва ўрганилиши лозим бўлган билимлардан таҳсил қилган..." Шундан сўнг "...салтанат ва мамлакатни идора қилиш қонунларини эгаллаш максатида" отасининг амру фармонида биноан 13 ёшида Петербургда ўқишга борган. Падари бузруквори истагига кўра 7 йиллик ўқишни 3 йилда тугаллаб ота юртга қайтган. 12 йил Насаф вилоятига, сўнг икки йил Кармана вилоятига ҳукмронлик қилган. 1911 йил, 30 ёшида отасининг ўрнини эгаллаган.

Ўзининг ёзишича, уч йил мобайнида юртин обод ва маърифатли қилиш борасида анча саъй-ҳаракат кўрсатди.



Шу билан бир вақтда, халқаро вазият тобора қалтис тус олаётганлиги. Бир ёнда Афғонистон, шимолда Чор Русияси, Англия бизнинг минтақа томонларга кўз олайтира бошлаган, табиий, амирлик бошига қора кунлар келмасдан бурун хозирлик кўриш пайига тушганлиги. Амир ҳазратлари яккаю ягона нажот "муаззам рус давлати салтанати"да деб билди, "...дўстлик ва ошначилик юз бериб, икки давлат орасида дўстлик барқарор ва бардавом бўлди". Яна эътибор берайлик: "Келишувларда аскарлар ва ҳарбий қурооллар Бухоро тарафидан қисқартирилиб, (уни кўриқлаш учун) ҳарбий асбоб-ускуналар ва аскарларни рус давлати ўз зиммасига олган бўлди. ...мамлакатни ҳимоя қилиш борасида яна аскар лозим бўлса, рус давлати Бухоро давлатини қўллашга тайёр турадиган бўлди. ...мен бўлсам мамлакат ободончилиги билан шуғулланишга интилимдир".

Хозирча салтанат амирининг бу қадар ҳарбий-сиёсий стратег сифатидаги "пўхтакорли"гини изохламай тураммиз. Ҳар қалай, Петербургда айни гўдаклик палласида (13-16 ёш оралиғида) "салтанат ва мамлакатни идора қилиш қонунлари" илмини қанчалик ўзлаштиргани, подшоҳлик тахтини 26 йил эгаллаб ўтирган отаси меросхўрини қай тариқа тарбият қилгани ушбу иқдоромадан

ҳам кўриниб турибди. Бироқ 17-йил аввалига келиб амир ҳазратлари ишонган "муаззам салтанат"нинг тўс-тўполони чиқиб кетди. Нима қилмоқ керак? Кимга ишониш, кимга суяниш мумкин? Айниқса февраль ғалаёнларидан кейин большевиклар ва меньшевиклар орасидаги низо шу қадар авжга чиқдики, "Большевиклардан бўлган бу жамоанинг тартиб-қонунларини на кўриб бўлинди, на билиб бўлинди. ...Уларнинг сўзларига ишонилмайдиган даражага келинди".

Шу гапнинг ўзидек Саид Олимхоннинг сиёсий кўзи очила бошлаганини, унинг вужудида амир сифатидаги боғлиқ эврилиш ниш урганини кўрсатади. Икки йил ичида у Бухоро қўшинини урушга тайёр даражага келтиргани ҳам шундан далолат эди. Афсуски, эври-

лишнинг тағи пишиқ-пукта эмаслиги, пучлиги билиниб қолди, ўзи эса асосатда қолди – у келишувни янгилаш мақсадида махсус элчиларини Ленин ва Троцкий қошига жўнатади. Жўната туриб, "Бу жамоанинг эътиборсизлиги ва оқибатсизлиги мўқаррар бўлган" деб ёзади. Салтанат соҳибининг (ким бўлганда ҳам, ўзимизнинг аҳдоимиз-да!) аҳволини тасаввур қилишга уринайлик: оқибатсизлиги мўқаррар бўлган муттаҳамлардан оқибат умид қилмоқда, мадад кутмоқда!

Бу каби мулоҳазаларни тасдиқловчи мисол ва тафсилотлар кўп, лекин, мавзуга қайтсак, шуниси мўқаррарки, 17-йил 7 апрель куни "Раҳимхоний" меҳмонхонасидаги дабада чоғида Амир Саид Олимхоннинг руҳи, аҳволи бундан беш баттар расво эди. Далилларни бирма-бир ёдга олайлик.

– Бухорога етиб борган самарқандлик меҳмонларни вокзалда рус консули Миллер қарши олади, уларнинг ҳужжатлари билан танишгач, "сизлар-да Арки олийга боришингиз мумкин" дея ижозат беради.

Савол туғилади: нима учун меҳмонларни рус консули кутиб олмоғи керак?! Нима учун Арки олийга бориш учун унинг руҳсати зарур бўлиб қолди? Арки олийнинг соҳиби, посбони у эмаску, ахир?!

– Сизни гоибона танийман, – дейди консул Бехбудийга, – ушбу манифестни ҳануз ҳеч ким ўқуган йўқ, биринчи дафъа сизга кўрсатурман".

Ғойибона танишлигини писанда қилиш ортида яна қандай муддаолар яширилганини таҳмин қилиш қийин эмас. Кўринадик, Миллер пихини ёрган лўт-лўтубо! Яна савол: амир эълон қилишга тайёрланган манифест Миллернинг қўлига қаердан тушди? Бунинг устига у, уни ҳали ҳеч ким ўқимаганини, биринчи дафъа Бехбудийга таништирилатганини таъкидлашининг замирида нима яширин? Бехбудийга хурмат, десак, бу қадар арзанда ҳужжат қаердан Миллернинг қўлига тушиб қолди? Ҳатто хаёл кочади – мазкур ҳужжат матни-мазмундан амир бохабар эдимиз ёхўд?..

– Самарқанддан ташриф буюрган делегация вакиллари орадан бир кун ўтиб, эртасига, 7 апрел соат ўнларда илк марта маҳаллий аъёнлардан бири – Насрулло қўшбеги ила сўйлашадилар. Яъни бу орада меҳмонлар билан асл меъзолар юзлашадилар, эҳтимом, бунга Миллер ижозат бермаган чиқар?!

– Миллер жаноблари манифестнинг аслини чиқариб, қўшбегига берди. Қўйишига амирнинг катта давра муҳри босилган эди. Қўшбеги ўқуб кўриб, қўл кўйди", деб ёзади Бехбудий.

Савол: нега энди Бухоро амири эълон қилаётган манифестнинг асл нусхаси Миллерда сақланади? Матни қўшбеги энди кўрайтими? Аввал беҳабар эдимиз? Амирнинг катта давра муҳри кимда сақланади? Амир ҳазратларидами ёхўд?..

– Миллер жаноблари манифестнинг асл нусхасини иккинчи бор Бехбудийга узатади (бир кун аввал ҳам ўқитган эди). Ҳазрат таҳрирдаги сакталиқларни кўрсатади ва барча сир-асрорни фош этувчи гапни ёзади: "Ғойибан муни (манифестни – Х.Д.) мусулмоний билатурган рус ёзган эди".

Mana, гап қаерда! Нима, Иброҳим Ғафуров таъна ила ёзганларидек, амир саройида кўр тўкиб ўтирган муншийларнинг ақли, фаросати, тажрибаси етмасиди бундай ҳужжатни битишга?!

– Бизлар кунжда турдук, – деб давом этади Бехбудий, – беш дақиқадан сўнг Насрулло қўшбеги жаноб олийни олиб келди".

Бехбудий ҳазратнинг чертиб-чертиб сўз танлашига эътибор берайлик – "олиб келди"... Устоз Иброҳим Ғафуров ҳам таажубни яширмайдилар. "Мени бир ерда, яна билмадимиз сизга қандай кўринади – Бехбудийнинг "Насрулло қўшбеги жаноб олийни олиб келди" деган факулдада жумласи ҳам ҳайратга солади. Ҳолбуки, амир жаноблари қўшбеги ва бошқа аъёнлар ўрамида келишлари керак эди. Лекин "олиб келди!" Бехбудий амирда ҳеч қандай куч-қувват, шуқуҳ қолмаганлиги, унинг иродаси батамом синдирилганлигини шу қисқагина жумлада ифодалаб бер-

– Сизни гоибона танийман, – дейди консул Бехбудийга, – ушбу манифестни ҳануз ҳеч ким ўқуган йўқ, биринчи дафъа сизга кўрсатурман".

Ғойибона танишлигини писанда қилиш ортида яна қандай муддаолар яширилганини таҳмин қилиш қийин эмас. Кўринадик, Миллер пихини ёрган лўт-лўтубо! Яна савол: амир эълон қилишга тайёрланган манифест Миллернинг қўлига қаердан тушди? Бунинг устига у, уни ҳали ҳеч ким ўқимаганини, биринчи дафъа Бехбудийга таништирилатганини таъкидлашининг замирида нима яширин? Бехбудийга хурмат, десак, бу қадар арзанда ҳужжат қаердан Миллернинг қўлига тушиб қолди? Ҳатто хаёл кочади – мазкур ҳужжат матни-мазмундан амир бохабар эдимиз ёхўд?..

– Самарқанддан ташриф буюрган делегация вакиллари орадан бир кун ўтиб, эртасига, 7 апрел соат ўнларда илк марта маҳаллий аъёнлардан бири – Насрулло қўшбеги ила сўйлашадилар. Яъни бу орада меҳмонлар билан асл меъзолар юзлашадилар, эҳтимом, бунга Миллер ижозат бермаган чиқар?!

– Миллер жаноблари манифестнинг аслини чиқариб, қўшбегига берди. Қўйишига амирнинг катта давра муҳри босилган эди. Қўшбеги ўқуб кўриб, қўл кўйди", деб ёзади Бехбудий.

Савол: нега энди Бухоро амири эълон қилаётган манифестнинг асл нусхаси Миллерда сақланади? Матни қўшбеги энди кўрайтими? Аввал беҳабар эдимиз? Амирнинг катта давра муҳри кимда сақланади? Амир ҳазратларидами ёхўд?..

– Миллер жаноблари манифестнинг асл нусхасини иккинчи бор Бехбудийга узатади (бир кун аввал ҳам ўқитган эди). Ҳазрат таҳрирдаги сакталиқларни кўрсатади ва барча сир-асрорни фош этувчи гапни ёзади: "Ғойибан муни (манифестни – Х.Д.) мусулмоний билатурган рус ёзган эди".

Mana, гап қаерда! Нима, Иброҳим Ғафуров таъна ила ёзганларидек, амир саройида кўр тўкиб ўтирган муншийларнинг ақли, фаросати, тажрибаси етмасиди бундай ҳужжатни битишга?!

– Бизлар кунжда турдук, – деб давом этади Бехбудий, – беш дақиқадан сўнг Насрулло қўшбеги жаноб олийни олиб келди".

Бехбудий ҳазратнинг чертиб-чертиб сўз танлашига эътибор берайлик – "олиб келди"... Устоз Иброҳим Ғафуров ҳам таажубни яширмайдилар. "Мени бир ерда, яна билмадимиз сизга қандай кўринади – Бехбудийнинг "Насрулло қўшбеги жаноб олийни олиб келди" деган факулдада жумласи ҳам ҳайратга солади. Ҳолбуки, амир жаноблари қўшбеги ва бошқа аъёнлар ўрамида келишлари керак эди. Лекин "олиб келди!" Бехбудий амирда ҳеч қандай куч-қувват, шуқуҳ қолмаганлиги, унинг иродаси батамом синдирилганлигини шу қисқагина жумлада ифодалаб бер-

– Сизни гоибона танийман, – дейди консул Бехбудийга, – ушбу манифестни ҳануз ҳеч ким ўқуган йўқ, биринчи дафъа сизга кўрсатурман".

Ғойибона танишлигини писанда қилиш ортида яна қандай муддаолар яширилганини таҳмин қилиш қийин эмас. Кўринадик, Миллер пихини ёрган лўт-лўтубо! Яна савол: амир эълон қилишга тайёрланган манифест Миллернинг қўлига қаердан тушди? Бунинг устига у, уни ҳали ҳеч ким ўқимаганини, биринчи дафъа Бехбудийга таништирилатганини таъкидлашининг замирида нима яширин? Бехбудийга хурмат, десак, бу қадар арзанда ҳужжат қаердан Миллернинг қўлига тушиб қолди? Ҳатто хаёл кочади – мазкур ҳужжат матни-мазмундан амир бохабар эдимиз ёхўд?..

– Самарқанддан ташриф буюрган делегация вакиллари орадан бир кун ўтиб, эртасига, 7 апрел соат ўнларда илк марта маҳаллий аъёнлардан бири – Насрулло қўшбеги ила сўйлашадилар. Яъни бу орада меҳмонлар билан асл меъзолар юзлашадилар, эҳтимом, бунга Миллер ижозат бермаган чиқар?!

– Миллер жаноблари манифестнинг аслини чиқариб, қўшбегига берди. Қўйишига амирнинг катта давра муҳри босилган эди. Қўшбеги ўқуб кўриб, қўл кўйди", деб ёзади Бехбудий.

Савол: нега энди Бухоро амири эълон қилаётган манифестнинг асл нусхаси Миллерда сақланади? Матни қўшбеги энди кўрайтими? Аввал беҳабар эдимиз? Амирнинг катта давра муҳри кимда сақланади? Амир ҳазратларидами ёхўд?..

– Миллер жаноблари манифестнинг асл нусхасини иккинчи бор Бехбудийга узатади (бир кун аввал ҳам ўқитган эди). Ҳазрат таҳрирдаги сакталиқларни кўрсатади ва барча сир-асрорни фош этувчи гапни ёзади: "Ғойибан муни (манифестни – Х.Д.) мусулмоний билатурган рус ёзган эди".

Mana, гап қаерда! Нима, Иброҳим Ғафуров таъна ила ёзганларидек, амир саройида кўр тўкиб ўтирган муншийларнинг ақли, фаросати, тажрибаси етмасиди бундай ҳужжатни битишга?!

– Бизлар кунжда турдук, – деб давом этади Бехбудий, – беш дақиқадан сўнг Насрулло қўшбеги жаноб олийни олиб келди".

Бехбудий ҳазратнинг чертиб-чертиб сўз танлашига эътибор берайлик – "олиб келди"... Устоз Иброҳим Ғафуров ҳам таажубни яширмайдилар. "Мени бир ерда, яна билмадимиз сизга қандай кўринади – Бехбудийнинг "Насрулло қўшбеги жаноб олийни олиб келди" деган факулдада жумласи ҳам ҳайратга солади. Ҳолбуки, амир жаноблари қўшбеги ва бошқа аъёнлар ўрамида келишлари керак эди. Лекин "олиб келди!" Бехбудий амирда ҳеч қандай куч-қувват, шуқуҳ қолмаганлиги, унинг иродаси батамом синдирилганлигини шу қисқагина жумлада ифодалаб бер-

– Сизни гоибона танийман, – дейди консул Бехбудийга, – ушбу манифестни ҳануз ҳеч ким ўқуган йўқ, биринчи дафъа сизга кўрсатурман".

Ғойибона танишлигини писанда қилиш ортида яна қандай муддаолар яширилганини таҳмин қилиш қийин эмас. Кўринадик, Миллер пихини ёрган лўт-лўтубо! Яна савол: амир эълон қилишга тайёрланган манифест Миллернинг қўлига қаердан тушди? Бунинг устига у, уни ҳали ҳеч ким ўқимаганини, биринчи дафъа Бехбудийга таништирилатганини таъкидлашининг замирида нима яширин? Бехбудийга хурмат, десак, бу қадар арзанда ҳужжат қаердан Миллернинг қўлига тушиб қолди? Ҳатто хаёл кочади – мазкур ҳужжат матни-мазмундан амир бохабар эдимиз ёхўд?..

– Самарқанддан ташриф буюрган делегация вакиллари орадан бир кун ўтиб, эртасига, 7 апрел соат ўнларда илк марта маҳаллий аъёнлардан бири – Насрулло қўшбеги ила сўйлашадилар. Яъни бу орада меҳмонлар билан асл меъзолар юзлашадилар, эҳтимом, бунга Миллер ижозат бермаган чиқар?!

– Миллер жаноблари манифестнинг аслини чиқариб, қўшбегига берди. Қўйишига амирнинг катта давра муҳри босилган эди. Қўшбеги ўқуб кўриб, қўл кўйди", деб ёзади Бехбудий.

Савол: нега энди Бухоро амири эълон қилаётган манифестнинг асл нусхаси Миллерда сақланади? Матни қўшбеги энди кўрайтими? Аввал беҳабар эдимиз? Амирнинг катта давра муҳри кимда сақланади? Амир ҳазратларидами ёхўд?..

– Миллер жаноблари манифестнинг асл нусхасини иккинчи бор Бехбудийга узатади (бир кун аввал ҳам ўқитган эди). Ҳазрат таҳрирдаги сакталиқларни кўрсатади ва барча сир-асрорни фош этувчи гапни ёзади: "Ғойибан муни (манифестни – Х.Д.) мусулмоний билатурган рус ёзган эди".

Mana, гап қаерда! Нима, Иброҳим Ғафуров таъна ила ёзганларидек, амир саройида кўр тўкиб ўтирган муншийларнинг ақли, фаросати, тажрибаси етмасиди бундай ҳужжатни битишга?!

– Бизлар кунжда турдук, – деб давом этади Бехбудий, – беш дақиқадан сўнг Насрулло қўшбеги жаноб олийни олиб келди".

Бехбудий ҳазратнинг чертиб-чертиб сўз танлашига эътибор берайлик – "олиб келди"... Устоз Иброҳим Ғафуров ҳам таажубни яширмайдилар. "Мени бир ерда, яна билмадимиз сизга қандай кўринади – Бехбудийнинг "Насрулло қўшбеги жаноб олийни олиб келди" деган факулдада жумласи ҳам ҳайратга солади. Ҳолбуки, амир жаноблари қўшбеги ва бошқа аъёнлар ўрамида келишлари керак эди. Лекин "олиб келди!" Бехбудий амирда ҳеч қандай куч-қувват, шуқуҳ қолмаганлиги, унинг иродаси батамом синдирилганлигини шу қисқагина жумлада ифодалаб бер-

– Сизни гоибона танийман, – дейди консул Бехбудийга, – ушбу манифестни ҳануз ҳеч ким ўқуган йўқ, биринчи дафъа сизга кўрсатурман".

Хуршид ДҶУСТМУҲАММАД

МУШОҲАДА

ҲАМ ҚОҒОЗ, ҲАМ ВАҚТ ТЕЖАЛДИ

Габриэль Маркеснинг "Атиргулнинг тикони" ҳикоясида икки ёшнинг самимий муҳаббати фонида жамият ва унинг расмиятга қоришган дунёсига кўзгу тутилади. Атиргул тикони санчилган бармоқдан қон кетиши оқибатида келинчак фоний дунё билан хайрлашади. Аммо асардаги "дарад" бир жумла билан хулоса-салаганимиздек кичик эмас. Билли Санчес маҳаббасини касал-хонага жойлаштирган-нидан кейинги атиги уч кунда содир бўлган воқеалар кишини ҳайрон қолдиради.



Уларнинг барчаси расмиятчилик, қоғозбозлик сингари атай ўйлаб топилган азоблар экани фош бўлади. "Инсониятнинг қўлидаги кишан идора қоғоздан ясалган", деганда Франс Кафка нечоғли ҳақ эди.

Турачилик, сунъий равишдаги бюрократга тўсиқлар миллат равақида тўсиқ бўлади. Ортга назар ташлаганда, бир парча қоғозга муҳр бостириш учун даладан бери келмайдиган маҳалла раисларини излаб юрганларим ёдимга тушади. Расмиятчилик, бюрократик тўсиқлар оқибатида қанчадан-қанча бўлажак тадбиркорлар турли давлатларга бориб, арзон ишчи кучига айланган кунларни кўрдик. Улар режаларини, орзу-умидларини қоғозбозлик гирдобига дафн қилишди. Яқин ўтмишда инвестор дегани мамлакатимизга қадам босмасди. Чунки уларнинг сунъий тўсиқлар ва қоғозбозликка тоқати

йўқ. Рухсат бериш билан боғлиқ ишлар бошқарув органлари қўлида эди. Иш қилмоқчи бўлсанг, ҳоқимиятга бор, фалончиевга учраш, у киши мажлисида, эртага келсан, деган ваъж-қорсонлар айтиларди.

Бу борадаги ишлар мамлакатимизда тартибга солинганга ҳали кўп бўлмади. Давлат хизматлари ташкилоти фаолияти йўлга қўйилгани – обрўли таниши бўлмагани учун иши тезда битавермайдиган одамларга жуда жуда маълум келди. Ахир, ким бўлмасин навбати билан ўзига керакли ҳужжатни вақтида олса бўлар экан-ку!

Баъзи муаммолар юзага келганда, ижтимоий тармоқ орқали раҳбарларга тўғридан-тўғри мурожаат қиламан. Дарҳол натижа кўринади. Яратган шуқури, "Бошлиқ йўқ, эртага келинг", дейдиган замонлар ўтди. Биргина мисол. Электрон газета очилган учун тахририят низоми бир соатда тузиб, Давлат хиз-

матлари ташкилотига бордим. Ўн дақиқада электрон ариза берилди. Орадан кўп ўтмай, телефонимга иш битгани ҳақида СМС келди. Қисқаси, ўн кун ичида газетанинг нишона сонини ҳам тайёрладик. Кейин билсам, шу амални кўл теле-фоним орқали ҳам қилсам бўлар экан. Муҳими, анча қоғоз ва вақт тежалди.

Ҳаётда мувозанат, занжирсимон бир боғлиқлик бор. Кўп воқеалар бошқалари билан бевосита ёки билвосита уйғунлашиб кетади. Масалан, қоғозбозликнинг йўқолиши экологияга ҳам ижобий таъсир қилади, албатта. Чунки қоғоз тайёрлаш учун ишлатиладиган целлюлоза, асосан, ёғочдан олинади. Биз идора қоғозлари ҳажмини қамайтириш орқали кислород билан тўйинтирадиган дарахтларга кўпроқ ҳаёт бахш этишимиз мумкин.

Обид Қўлдош



Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ФАҶЛЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ" ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир: Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: Ҳумоюн Акбаров

Навбатчи муҳаррир: Гулҳебра Умарова

Саҳифаловчилар: Эркин Ёдгоров Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 4192 Латин ёзувидаги адади – 11785 Бюролма: Г – 139

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2. Нашр кўрсаткичи – 222. Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Телефонлар: (71) 233-11-07

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00 Босишга топширилди: 18:40 Сотувда нархи эркин.

